

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

13-сон
(825)
2018 йил
2 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

241. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги ПФ–2326-сон «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ–5389-сон Фармони
242. «Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 мартдаги ПҚ–3624-сон қарори
243. «Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар рўйхатига кўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 мартдаги ПҚ–3625-сон қарори
244. «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самара-

дорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги ПҚ–3626-сон қарори

Учинчи бўлим

245. «Оила институтини мустахкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги 230-сон қарори
246. «Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги 238-сон қарори
247. «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги 241-сон қарори
248. «Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги 244-сон қарори

Бешинчи бўлим

249. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 1 мартдаги 52, 2018-19, 341-В-1-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-1*)
251. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 60-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-3*)
252. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазир-

- лигининг 2018 йил 15 мартдаги 322-В-1, 63-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2320-1*)
253. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 мартдаги 42, 10-қ/қ, 16-сон «Фуқаро ва экспериментал авиацияда учувчилар таркиби учун ёшга оид чегараларни киритиш тўғрисида»ги қарорнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1762-1*)
254. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/7-сон «Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-3*)
255. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/10-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-2*)
256. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 23 мартдаги 113-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларининг (ЎЗР АҚ-61) 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-10*)
257. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 27 февралдаги 4-2018-сон «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2431-2*)
258. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 13 мартдаги 166-мх, 22-сон «Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларига ўзгарти-

риш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1826-1*)

259. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 48-сон «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2624-1*)
260. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 35-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2987*)
261. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 49-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-8*)
262. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/1-сон «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-2*)
263. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/10-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2988*)
264. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/11-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2989*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 26 мартдан 30 мартгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

241 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги ПФ–2326-сон «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ–5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ёш иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги ПФ–2326-сон «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 март,
ПФ–5389-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 29 мартдаги
ПФ–5389-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги
ПФ–2326-сон «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис
этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги
Фармониغا киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «биттадан» сўзи «иккитадан» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 2-бандда:

а) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга берилади»;

б) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари олий таълим муассасаларининг бакалавриятига, бакалаврият талабалари эса олий таълим муассасаларининг магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади».

3. 1-иловада:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга берилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан талабгорларга берилади»;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим» сўзлари «таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «республика хотин-қизлар қўмитаси қошидаги» сўзлари «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 2-илованинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳалардаги энг нуфузли арбоблардан, ижодий уюшмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим, маданият ва спорт муассасаларининг таниқли вакиллари билан ташкил топади ва унинг таркиби ҳар тўрт йилда учдан икки қисми янгиланиши назарда тутилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Мазкур Комиссия аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**242 Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ташқи савдони янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун тенг ва қулай шароитлар яратиш, шунингдек, савдо операцияларини амалга оширишда ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва «Ўзстандарт» агентлигининг Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклашдан олдин мажбурий инспекциядан ўтказиш тартиботини бекор қилиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклашдан олдин инспекциядан ўтказиш ихтиёрий асосда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклашдан олдин инспекциядан ўтказиш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига ваколатли орган томонидан халқаро стандартлар талабларига мувофиқ аккредитация қилинган инспекция органлари эга;

инспекция органларининг хизматлари, шу жумладан юк ортишдан олдин инспекциядан ўтказиш хизматлари учун ҳақ тўлаш уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда очилган ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарлар сифати, миқдори ва нархларининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда (кейинги ўринларда — Марказ) рўйхатдан ўтган импорт контрактлари шартларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш учун жавобгарлик импорт қилувчининг мансабдор шахслари зиммасига юклатилади;

давлат божхона хизмати органлари Марказда рўйхатдан ўтган импорт контрактлари доирасида эркин муомалага чиқарилган товарларнинг миқдори ва нархлари ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда Марказга тақдим этади.

3. Давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек, тижорат банкларига юк ортишдан олдин инспекцияни ўтказувчи инспекция органини танлаш ҳақида импорт қилувчиларга тавсиялар бериш тақиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жинойй даромадларни легаллаштиришга қар-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 мартда эълон қилинган.

ши курашиш департаменти «Ўзстандарт» агентлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда, мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, давлат манфаатларига етказилган зарарни қоплаш кафолатларини таъминловчи механизмларни жорий этган ҳолда импорт қилувчилар ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда аккредитация объектлари томонидан ваколатли органга ўтказиладиган тўловларни ундириш шартлари ва миқдорларининг танқидий қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, Марказ фаолияти соҳаси татбиқ этиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар харидларини ўтказиш (харид тартиботларини бажариш, реклама ишларини ташкил этиш, тендер ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқалар) бўйича ихтисослашган ташкилотни танлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан ўрнатиладиган талабларга жавоб берадиган ихтисослашган ташкилотлар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бир ой муддатда давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга ихтисослашган ташкилотларга қўйиладиган талабларни, шунингдек, давлат харидларини ўтказиш доирасида ихтисослашган ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари рўйхатини ўрнатилган тартибда белгиласин.

7. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиқов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 март,
ПҚ-3624-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**243** **Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналарнинг узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш, шунингдек, уларнинг ташки иқтисодий фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январда ПҚ-3487-сонли қарори билан тасдиқланган Товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарининг рўйхати қуйидаги мазмунда 13 — 18-бандлар билан тўлдирилсин:

- «13. «Ўзпахтасаноат» АЖ
14. «Ўзнефтмахсулот» АЖ
15. «Ўзбурғунефтгаз» АЖ
16. «Ўзтрансгаз» АЖ
17. «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖ
18. «Ўзбекгеофизика» АЖ».

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Содиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 март,
ПҚ-3625-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**244** Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда карантиндаги зарарли организмлар Ўзбекистон худудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишни таъминлаш, шунингдек, ўсимлик ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай шароитда хавфли зараркунандалар, ўсимликлар касаллиги, бегона ўтлардан республика худудининг ишончли ҳимоясини таъминловчи ички ва ташқи ўсимликлар карантини бўйича давлат тадбирларининг самарали тизимини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг мамлакат ичида тарқалишига йўл қўймаслик борасидаги ишларни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ахволини ўрганиш фитосанитар хавфсизликни тўлақонли таъминлашга ҳамда чет эл мамлакатлари, компания ва корпорациялар билан ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришга, экспорт салоҳиятини ошириш, маҳсулотларни ташқи бозорларига олиб чиқишга салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини аниқлади.

Ўсимликлар карантини соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро нормалар ва қоидаларга мувофиқлаштириш юзасидан фаол ишлар олиб борилмаяпти, бунинг натижасида хорижий ҳамкорлар томонидан маҳаллий маҳсулотларнинг ўрнатилган стандартларга мувофиқ эмаслиги ўз давлатларининг бозорларига олиб кирилишини рад этиш ҳолатлари қайд этилмоқда ҳамда чет элдан молиявий ва грант маблағларини жалб этиш жараёни мураккаблашмоқда.

Республика минтақаларида ҳозирги кунга қадар экспортга жўнатиладиган ҳамда карантин зараркунандалари, ўсимликлар касалликлари, бегона ўтлар ташувчиси бўлиши мумкин бўлган чет давлатлардан олиб кириладиган уруғлар, ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа материалларни карантин текшируви ва экспертизадан ўтказиш бўйича лабораториялар мавжуд эмас.

Ўсимликлар карантини соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас, бунинг натижасида, мутахассисларнинг касбий маҳоратлари, уларнинг ушбу соҳадаги иш қўникмалари оширилишини таъминланмаяпти.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати бўлинмаларининг заиф

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 мартда эълон қилинган.

моддий-техник таъминоти, улардаги ходимлар, айниқса, жойларда ишловчиларнинг карантин тадбирларини ўтказиш учун зарур ускуналар билан таъминланмагани ҳамда уларнинг молиявий ва ижтимоий таъминоти етарли даражада бўлмаганлиги ўзларига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни самарали ва сифатли бажариш имконини бермайди.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самардорлигини янада ошириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш, мамлакатда фитосанитар хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат назоратининг яхлит тизимини яратиш мақсадида ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўсимликлар карантини соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи идоралараро ишчи гуруҳ тузилсин ва унинг таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар идоралараро ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўсимликлар карантини соҳасидаги ишлар ҳолатини комплекс ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини соҳасидаги халқаро шартномаларга, шу жумладан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро Конвенцияга (Рим, 1951 йил) қўшилиши бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ўсимликлар карантини соҳасидаги барча халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

хорижий давлатлар карантин хизматлари билан (Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Арманистон Республикаси, Таиланд Қироллиги, Япония, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Латвия Республикаси, Бангладеш, Ҳиндистон Республикаси, Афғонистон Ислом Республикаси ва бошқалар) ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича битимларни тузиш масаласини ишлаб чиқиш, шу жумладан бундай битимлар лойиҳаларини тайёрлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) тузилмасида қуйидагилар ташкил этилсин:

Халқаро алоқалар, инвестициялар ва инновацион ривожланиш бошқармаси;

Ўсимликлар карантини хизмати бўйича фитосанитар хавфни прогнозлаштириш ва таҳлил қилиш бошқармаси;

ички ва ташқи ўсимликлар карантини бўлими негизида Ички ва ташқи ўсимликлар карантини бошқармаси;

* 1-илова берилмайди.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси;

Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими.

3. Инспекция ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инспекциянинг Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган Инспекцияга қўшимча 176 штат бирлигини, шу жумладан 121 — ўсимликлар карантини бўйича туман ва шаҳар инспекторларини, 55 — автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт инспекторларини ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 38 нафардан иборат бўлган, шундан қўшимча жорий этилаётган 18 нафари 2018 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган марказий аппарати тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияларининг намунавий тузилмаси ва ходимларнинг чекланган сони, шунингдек, автомобиль йўлларидаги, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт рўйхати 4 — 6-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Инспекция бошлиғига қўйидаги ҳуқуқ берилсин:

зарур ҳолларда, Инспекциянинг марказий аппарати, ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари ва унинг таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан Инспекция ходимларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекция бошлиғи ва ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари бошлиқлари лавозимига кўра тегишлича Ўсимликлар карантини бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўсимликлар карантини бўйича бош давлат инспекторлари ҳисобланадилар;

ўсимликлар карантини бўйича туман ва шаҳар инспекторлари, автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт инспекторлари хизмат мажбуриятларини бажаришда махсус формали кийим-бош ва тегишли фарқловчи белгиларини кийиб юрадилар;

инспекторларни формали кийим-бош ва тегишли фарқловчи белгилар

* 2 — 6-иловалар берилмайди.

билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда формали кийим-бош ва тегишли фарқловчи белгиларнинг намуналарини тасдиқласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўсимликларнинг агротехник, биологик ва кимёвий ишловини амалга ошириш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида камида 2 тадан ўсимликлар клиникаси ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Инспекция, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўсимликлар клиникаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича барча зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни кўрсин.

8. 2018 — 2020 йилларда Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Жамғарма маблағлари белгилансин.

Инспекция, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Инспекция Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда карантин лабораторияларининг ташкил қилинишини ҳамда уларнинг карантин тадбирларини амалга ошириш учун керакли бўлган барча зарур лаборатория ускуналари ва техник воситалар билан жиҳозланишини таъминласин.

10. 2018 йилнинг 1 апрелидан Инспекция ва ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан келиб тушадиган давлат божи ва йиғими кўринишидаги тушумлар Жамғармага 80 фоиз миқдорида, шу жумладан Инспекция ходимларининг моддий рағбатлантирилишига — Жамғармага келиб тушадиган маблағларнинг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдори йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

2017 йилнинг 1 декабридан 2018 йилнинг 1 апрелигача бюджетга ўтказилиши лозим бўлган давлат божи ва йиғими кўринишидаги тушумлар Инспекция томонидан 2018 йилнинг охирига қадар қопланиши белгилансин.

* 7-илова берилмайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Чора-тадбирлар дастурида кўрсатилган тадбирларни молиялаштириш учун Инспекциянинг асослантирилган буюртмаси асосида Инспекцияга Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан мақсадли йўналтириладиган 15 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда маблағлар ажратилишини таъминласин.

12. Қуйидагилар:

ўсимликлар клиникаси 2018 йилнинг 1 июлидан 2022 йилнинг 1 январига қадар ер солиғи, юридик шахсларнинг даромад ва мол-мулк солиғидан ҳамда ягона солиқ тўловларини тўлашдан;

2020 йилнинг 1 январига қадар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мамлакатда карантин ҳолатни яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган республикада ишлаб чиқарилмайдиган ёки етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, ускуналар, асбоб ва приборлар, машина ва механизмлар, компьютер ва диагностика техникаси божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинсин.

13. 2018 йил 1 майдан ўсимликлар карантини бўйича туман ва шаҳар инспекторлари, автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт инспекторларига, қонун ҳужжатларида белгиланган устама ва қўшимча тўловлардан ташқари, Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар чорак якуни бўйича меҳнат фаолиятида юқори натижаларга эришганлиги учун Инспекция бошлиғи томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган фаолиятни баҳолашнинг рейтинг тизимига мувофиқ белгиланадиган, қуйидаги миқдорлардаги рағбатлантирувчи тўловлар берилди:

70 баллдан 80 баллгача тўплаган инспекторларга — лавозим маошига 50 фоизгача;

80 баллдан 90 баллгача тўплаган инспекторларга — лавозим маошига 100 фоизгача;

90 баллдан 100 баллгача тўплаган инспекторларга — лавозим маошига 150 фоизгача.

14. Инспекция, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетида, унинг Нукус ва Термез шаҳарларидаги филиалларида, Андижон қишлоқ хўжалиги институтида Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар уч йилда камида бир маротаба ўтказиладиган Инспекция ходимларини, биринчи навбатда, туман ва шаҳар инспекторлари, автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш;

Тошкент давлат аграр университетида ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедрасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда 2018–2020 йилларда ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати ходимларини чет элда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурини тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3249-сон қарорининг 1 ва 2-бандлари ҳамда унинг 1, 2, 3, 3а, 3б ва 4-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Инспекция манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича таклифлар киритсин:

ўсимликлар карантини соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига нисбатан маъмурий жавобгарликни янада кучайтириш тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Р. Иноятов ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 март,
ПҚ–3626-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

245 Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ–5325-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ–5325-сон Фармониға мувофиқ:

«Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш, шунингдек, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курслари (кейинги ўринларда махсус ўқув курслари деб аталади) ташкил этилганлиги;

махсус ўқув курсларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш «Оила» маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргалликда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагилар махсус ўқув курсларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш ҳамда оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 мартда эълон қилинган.

оила институтини мустаҳкамлаш, оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланиши, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш;

эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўрта-сидаги муносабатлар, шунингдек замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш;

замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилашда иштирок этиш, замонавий оилани ривожлантириш муаммолари, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятларни ўрганиш;

оила-никоҳ муносабатлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро тажрибани ўрганиш;

оила институтини ривожлантириш ва унинг замонавий шаклини жорий этиш.

4. Белгилансинки:

махсус ўқув курслари ўтказиш бўйича ўқув-услугий раҳбарлик ва мониторинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази (кейинги ўринларда «Оила» маркази деб аталади) томонидан амалга оширилади;

махсус ўқув курслари «Оила» маркази, хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга йўналтирилади, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида фаолият юритаётган бошқа ташкилотлар ходимларининг малакаси оширилади;

махсус ўқув курслари тингловчилари таркибини шакллантириш ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш режа-жадвалини тузиш «Оила» марказининг бошқармалари томонидан «Оила» маркази билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

махсус ўқув курсларида ўқув машғулотларини ўтказиш учун соатбай ҳақ тўлаш шарти билан етакчи таълим, тадқиқот ва илмий муассасаларнинг ходимлари, шунингдек амалиётчи мутахассислар жалб этилади;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тасдиқланган режасига киририлган ва махсус ўқув курсларига ўқишга йўлланган тингловчиларнинг асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи ўқиш даврида сақланиб қолади;

малака ошириш учун махсус ўқув курсларига юборилган бошқа шаҳарлик тингловчиларга тўланадиган суткалик пул ва таълим олиш жойига бир марта бориб келиш бўйича сарфланган харажатлар уларни юбораётган томон ҳисобидан белгиланган тартибда қопланади;

махсус ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан ўқув машғулотларига жалб этиладиган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш, курслар тингловчилари учун ўқув, тарқатма материаллар ва канцелярия анжомларини харид қилиш харажатларини молиялаштириш Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

махсус ўқув курслари ташкил этиш учун «Оила» марказининг бошқармаларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт касб-ҳунар коллежларидан ижара тўловининг «нул» қиймати бўйича, тегишли коммунал ва фойдаланиш харажатларини қоплаш шартисиз ўқув хоналари ажратилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 1 майгача «Оила» маркази бошқармаларининг буюртмаларига асосан тиббиёт касб-ҳунар коллежларидан махсус ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур хоналар ажратилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Оила» маркази бошқармаларининг буюртмаларига асосан:

махсус ўқув курсларини ташкил этиш учун ажратиладиган хона ва аудиторияларда, зарур ҳолларда, таъмирлаш-тиклаш ишларини бажарсин, шунингдек, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан уларни зарур мебель ва жиҳозлар, компьютер техникаси ва ўқув техникаси воситалари билан жиҳозласин;

махсус ўқув курсларига юборилган тингловчиларга таълим муассасаларининг талабалар уйларида жой ажратилишини таъминласин.

7. «Оила» маркази:

бир ой муддатда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда — қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларнинг мунтазам янгилаб борилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда — махсус ўқув курсларида ўқув машғулотларини ўтказиш учун олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби жалб этилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда — ўқув жараёни ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўми-

таси раиси Т.К. Нарбаева, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.Қ. Шадманов ва «Оила» маркази директори зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 март,
230-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 мартдаги 230-сон қарорига
ИЛОВА

**Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича
махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом оила институти соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсларининг (кейинги ўринларда махсус ўқув курслари деб аталади) мақсад ва вазифаларини, улардан ўтиш, шунингдек махсус ўқув курсларининг ўқув жараёнини ташкил этиш ва тингловчиларнинг билимини баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Махсус ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази (кейинги ўринларда «Оила» маркази деб аталади), Хотин-қизлар қўмитаси ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг касбий малакасини оширишга йўналтирилган.

Малака ошириш бўйича махсус ўқув курсларида Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар ходимларининг иштироки тавсия хусусиятига эга.

3. Махсус ўқув курслари «Оила» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузурида ташкил этилади.

2-боб. Махсус ўқув курсларининг мақсади ва вазифалари

4. Махсус ўқув курсларининг мақсади кадрларнинг хотин-қизлар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишлашни ташкил этиш, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва

соғломлаштириш бўйича касбий билимлари, қобилиятлари ва кўникмаларини тизимли янгилаб боришдан иборат.

5. Қўйидагилар махсус ўқув курсларининг вазифалари ҳисобланади:

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш ҳамда оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

оила институтини мустаҳкамлаш, оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланиши, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш;

эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатлар, шунингдек замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш;

замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилашда иштирок этиш, замонавий оилани ривожлантириш муаммолари, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятларни ўрганиш;

оила-никоҳ муносабатлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро тажрибани ўрганиш;

оила институтини ривожлантириш ва унинг замонавий шаклини жорий этиш.

3-боб. Махсус ўқув курсларидан ўтиш тартиби

6. Ушбу Низомнинг 2-банди биринчи хатбошида назарда тутилган ходимлар мунтазам, йилига камида бир мартда тегишли йўналишлар бўйича бепул асосда малака оширишдан ўтишлари шарт.

7. Махсус ўқув курсларидан ўтиш тегишли йўналишлар бўйича тасдиқланган малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ташкил этилади. Ўқув режалари ва дастурлари ҳар йили оилага оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари асосида такомиллаштирилади.

8. Қайта тайёрлашнинг қанча давом этиши илгари олинган олий таълим даражасига, қайта тайёрлашнинг тури ва кўп меҳнат талаб қилишига, ўқитиш шаклларига боғлиқ бўлади ва асосий ишдан ажралган ҳолда ўқитилганда камида 576 соат бўлиши керак.

Ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади. Асосий ишдан ажралган ҳолда ўқитишда аудитория машғулотларининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 24 соат этиб белгиланиши керак.

Ўқув юкламасининг умумий ҳажми фанлар блоклари бўйича, кадрлар буюртмачиси томонидан белгиланадиган қайта тайёрлашга талаблардан келиб чиққан ҳолда тақсимланади.

9. Малака ошириш курсларида ўқиш «Оила» маркази томонидан тасдиқланган 72 соатлик ўқув дастурлари бўйича икки ҳафта давомида ишдан ажралган ҳолда амалга оширилади.

Ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади. Ўқув юкламасини режалаштиришда тингловчиларнинг мустақил ишлашига алоҳида эътибор қаратилади.

10. «Оила» маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили малака ошириш курсларидан ўтишнинг белгиланган даврийлигига мувофиқ ўқитиш йўналишлари бўйича малака ошириш курслари тингловчилари таркибини шакллантиради ва тасдиқлайди.

11. Махсус ўқув курсларига келган тингловчиларни қабул қилиш тасдиқланган режа-жадвал асосида «Оила» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан амалга оширилади.

12. Тасдиқланган режа-жадвалга киритилган ва махсус ўқув курсларига ўқишга йўлланган тингловчиларнинг асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи ўқиш даврида сақланиб қолади.

13. Махсус ўқув курсларига йўлланган тингловчиларга таълим олиш жойига бир марта бориб келиш бўйича сарфланган харажатлар уларни юборётган томон ҳисобидан белгиланган тартибда қопланади.

4-боб. Махсус ўқув курслари ташкилотчиларининг асосий вазифалари

14. «Оила» маркази:

махсус ўқув курслари фаолиятига ўқув-услубий раҳбарликни амалга оширади;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда махсус ўқув курсларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларнинг доимо янгиланишини таъминлайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш механизмлари ва усулларини белгилайди;

махсус ўқув курслари ўқитувчиларининг малакасини оширишни ташкил этади;

малака ошириш тизимига ўқитишнинг замонавий шакл ва методларини, илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларини жорий этади;

махсус ўқув курсларида таълим олиш ва ўқитиш жараёни мониторингини олиб боради.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув-методик асосларини ишлаб чиқишга қўмаклашади;

махсус ўқув курсларида ўқув машғулотларини ўтказиш учун олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркибини жалб этишда амалий ёрдам кўрсатади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Оила» марказининг буюртманомалари асосида:

махсус ўқув курсларини ташкил этиш учун ажратиладиган хона ва аудиторияларда таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаради, шунингдек, уларни зарур мебель ва жиҳозлар, компьютер техникаси ва ўқув техникаси воситалари билан жиҳозлайди;

махсус ўқув курсларига юборилган тинловчиларга таълим муассасаларининг талабалар уйларида жой ажратилишини таъминлайди.

5-боб. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва тингловчиларнинг билимларини баҳолаш

17. Махсус ўқув курслари тегишли йўналишлар бўйича малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурларини ҳисобга олган ҳолда, курслар фаолиятини ва ресурс таъминотини бюджетдан ташқари молиялаштириш асосида, тингловчиларни сифатли ўқитиш учун моддий-техник база, профессор-ўқитувчилар таркиби мавжуд бўлган ҳолда ташкил этилади.

Мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар таркиби шартнома асосида жалб этилади.

18. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари қўлланилади:

маъруза;

интерактив семинар;

амалий машғулот;

сайёр машғулот;

тажриба алмашиш;

мустақил ўқиш;

битирув ишини ҳимоя қилиш.

Тегишли ахборот-методик ва ташкилий-техник база мавжуд бўлган тақдирда махсус ўқув курслари масофадан ўқитиш усуллари қўлланилган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

19. Аудиторияда ўтказиладиган барча машғулотлар турлари 80 дақиқа давом этади, ўқув машғулотлари оралиғидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил этади.

20. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни гуруҳларнинг тўлдирилишига боғлиқ ҳолда тингловчилар сони, қоидага кўра, камида 15-20 кишини ташкил этган академик гуруҳларда ташкил этилади.

21. Узрли сабаблар билан ўқишни давом эттира олмайдиган тингловчилар ўз аризасига кўра тингловчилар сафидан чиқарилади. Узрсиз сабаблар билан 30 соатдан кўп ҳажмда машғулотларда қатнашмаганлик учун курсларнинг тингловчилари «Оила» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси раҳбарининг буйруғи билан тингловчилар сафидан чиқарилади.

Тингловчилар сафидан чиқариш «Оила» марказининг Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Махсус ўқув курсларида машғулотлар ўтказишга шартнома асосида юқори малакали кадрлар, хорижий мутахассислар, ўқув-услубий ходимлар ва амалиётчи мутахассислар жалб этилади.

23. Қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг билими битирув ишини ҳимоя қилиш, малака ошириш курслари тингловчиларининг билими эса суҳбат асосидан баҳоланади.

Махсус ўқув курслари тингловчиларини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш учун «Оила» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан тегишли соҳаларнинг илғор мутахассислари орасидан камида 3-5 кишидан иборат комиссия шакллантирилади.

24. Баҳолаш жараёнида узрли сабаб билан иштирок этмаган тингловчилар навбатдаги гуруҳ тингловчилари билан биргаликда иштирок этишлари мумкин.

25. Қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари талабларини муваффақиятли бажарган тингловчиларга ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ давлат намунасидаги қайта тайёрлаш тўғрисида диплом, малака ошириш ўқув дастурлари талабларини бажарган тингловчиларга эса — ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ сертификат берилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

26. Махсус ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан, ўқув машғулотларини ўтказишга жалб этиладиган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш, курслар тингловчилари учун ўқув, тарқатма материаллар ва канцелярия анжомларини харид қилиш харажатларини молиялаштириш Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Қайта тайёрлаш ҳақида
ДИПЛОМ
(тавсифи)**

Қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги диплом А4 форматли оқ қоғоздаги варақда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч пушти рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг юқори қисми марказида лотин ёзуви билан давлат тилида «Qayta tayyorlash haqida DIPLOM» сўzlари босилади. Диплом икки лотин ҳарфи қисқартмаси — QT ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч пушти ранг фонда босиб чиқарилади.

Диплом:

босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;
ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;

нақшли растр;

ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти-та ҳимояга эга.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби тасвири

Qayta tayyorlash
haqida

DIPLOM
QT № 000000

_____ (Mutaxassisning familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil _____ dan 20 _____ gacha

_____ da
(Qayta tayyorlash muassasasining nomi)

_____ soatga mo'ljallangan

_____ (Qayta tayyorlash kursining nomi)

qayta tayyorlash kursida ta'lim olib, _____
_____ mavzusida bitiruv ishini
Davlat attestatsiya komissiyasida _____ bahoga
himoya qildi va unga _____ huquqi
berildi.

Muhr o'rni

Direktor _____

Sana _____

Qayd raqami _____

Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Малака ошириш ҳақида
СЕРТИФИКАТ**
(тавсифи)

Малака ошириш ҳақида давлат намунасидаги сертификат А4 форматли оқ қоғоздаги варақда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч кулрангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли икки-та квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг юқори қисми марказида лотин ёзуви билан давлат тилида «Malaka oshirish haqida SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат икки лотин ҳарфи қисқартмаси — МО ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч кулранг фонда босиб чиқарилади.

Сертификат:

босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;

нақшли растр;

ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти-та ҳимояга эга.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби тасвири

**Malaka oshirish haqida
SERTIFIKAT**

MO № 000000

(Mutaxassisning familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil _____ dan 20 _____ gacha
_____ da

(Malaka oshirish muassasasining nomi)

jami _____ soatli

(Malaka oshirish kursining nomi)

bo'yicha malakasini oshirdi.

Muhr o'рни

Boshqarma boshlig'i _____

Sana _____

Qayd raqami _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**246 Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида
ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш-
нинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармонида мувофиқ ва фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматлари тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилансинки, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматлари олиш учун фақат Давлат хизматлари марказига ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали мурожаат қиладилар.

3. АТБ «Ўзбекистон Республикаси Халқ банки» (кейинги ўринларда Халқ банки деб аталади):

ўн кун муддатда — давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг намунавий шакллари, бланкаларини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2018 йил 1 апрелгача бўлган муддатда давлат хизматлари кўрсатувчи бўлинмаларнинг ЯИДХПга уланишини;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда 2018 йил мобайнида ҳар чоракда камида бир марта Халқ банки ва Давлат хизматлари марказларининг ходимлари иштирокида тасдиқланган маъмурий регламентни амалда қўллашнинг самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўқув семинарлари ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2018 йил 1 апрелгача бўлган муддатда ЯИДХПда фуқарони жамғариб бориладиган

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 мартда эълон қилинган.

пенсия тизимида ҳисобга қўйиш давлат хизмати кўрсатишнинг ҳар бир босқичида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартиботини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш давлат хизматлари кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан Халқ банки ва бошқа ташкилотлар фаолияти юзасидан, шу жумладан ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

тасдиқланган маъмурий регламент талабларини бузганлик учун Халқ банки ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазолар кўлласин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 12-сон, 110-модда) 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Халқ банки ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 март,
238-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 мартдаги 238-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида
ҳисобга қўйиш давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шу жумладан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни (кейинги ўринларда фуқаролар деб аталади) жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш тартибини (кейинги ўринларда ЖБПТ деб аталади) белгилайди.

2. ЖБПТда иштирок этиш мажбурий ёки ихтиёрий тартибда амалга оширилади.

Иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир.

ЖБПТда ихтиёрий тартибда юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари ва бошқа фуқаролар иштирок этади.

ЖБПТда мажбурий тарзда иштирок этишда ЖБПТда ҳисобга қўйишга мурожаатни иш берувчи беради.

ЖБПТда ихтиёрий тарзда иштирок этишда ЖБПТда ҳисобга қўйишга мурожаатни фуқаро беради.

3. Фуқарони ЖБПТда ҳисобга қўйишни АТБ «Ўзбекистон Республикаси Халқ банки» (кейинги ўринларда Халқ банки деб аталади) амалга оширади.

4. Давлат хизматлари марказлари ва Халқ банки ўртасида ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

5. Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимига ҳисобга қўйиш ишлари мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматлари кўрсатиш тартиби

6. Иш берувчи ёки фуқаро (кейинги ўринларда аризачи деб аталади) фуқарони ЖБПТда ҳисобга қўйиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) давлат хизматини электрон тарзда олиш учун рўйхатдан ўтади.

7. Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда Давлат хизматлари маркази ходими аризачи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса аризачи мустақил равишда мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги давлат хизмати олиш учун анкетани электрон тарзда тўлдиради.

Агар фуқаронинг паспортида фуқаронинг идентификация рақами (шахсий код) кўрсатилмаган бўлса, у холда аризачи яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан фуқаронинг идентификация рақами (шахсий кодини) сўраб олади ва уни аниқлагандан сўнг давлат хизмати олиш учун анкетанинг тегишли устунига зарур ёзувни киритади.

Истеъмолчилардан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни, шунингдек, бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

8. Анкетага зарур маълумотларни расмийлаштиргандан ва киритгандан сўнг аризачи уни ўз ЭРИ билан тасдиқлайди.

Давлат хизматлари марказлари, шунингдек ЯИДХП ходимлари аризачиларни давлат хизматлари олишлари учун ЭРИ мажбурий тартибда бўлиши тўғрисида олдиндан хабардор қиладилар.

Давлат хизматлари марказлари аризачилар ЭРИни жойида олишлари учун барча зарур шароитларни таъминлашга мажбурдир.

9. Фуқарони ЖБПТда ҳисобга қўйиш бепул амалга оширилади.

10. Аризачиларда ЭРИ мавжуд эмаслиги ёки уни олишнинг рад этилганлиги ва анкетада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш қатъиян тақиқланади.

11. Аризачи давлат хизмати олишдан уни кўрсатилишининг ҳар қандай босқичда тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Аризачи давлат хизмати олишни рад этган тақдирда унинг анкетаси кўриб чиқилмайди.

12. Ўзи келиб мурожаат этганда Давлат хизматлари марказлари анкета тўлдирилган вақтдан бошлаб бир соат мобайнида уни фуқарони ЖБПТда ҳисобга қўйиш учун Халқ банкига юборади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса анкета автоматик тарзда Халқ банкига юборилади.

13. Халқ банки анкета келиб тушгандан сўнг бир кун ичида Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки аризачига ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) фуқаро ЖБПТда ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида хабарнома юборади.

Давлат хизматлари маркази фуқаро ЖБПТда ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида хабарнома келиб тушгандан сўнг бир соат мобайнида бу ҳақда фуқарони хабардор қилади.

14. ЖБПТда ҳисобга қўйилган фуқароларга жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси белгиланган тартибда тақдим этилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Давлат хизматлари марказлари ва Халқ банки фуқарони ЖБПТда ҳисобга қўйиш натижасида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши лозим.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан ЯИДХП орқали, доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадилар.

17. Аризачи Халқ банки ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

18. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида
 ҳисобга қўйиш давлат хизматлари кўрсатишнинг
 маъмурий регламентига
 1-ИЛОВА

Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимига ҳисобга қўйиш ишларини амалга ошириш
 СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Иш берувчи ёки фуқаро	Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда ёки электрон тартибда давлат хизматлари олиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат этиш.	хоҳишига кўра
2-босқич	1) Давлат хизматлари маркази 2) ЯИДХП	ЖБПТда фуқарони ҳисобга қўйиш бўйича АТБ «Ўзбекистон Республикаси Халқ банки»га сўровнома юбориш.	1) 1 соат ичида 2) Автоматик равишда
3-босқич	АТБ «Ўзбекистон Республикаси Халқ банки»	ЖБПТда фуқаронинг ҳисобга қўйилганлиги бўйича Давлат хизматлари марказига (ўзи келган ҳолда мурожаат этганда) ёки ЯИДХП орқали аризачига хабарнома юбориш.	1 иш куни ичида
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	ЖБПТда фуқаронинг ҳисобга қўйилганлиги бўйича хабарнома келиб тушганлиги тўғрисида иш берувчига ва фуқарога маълум қилиш.	1 соат ичида
5-босқич	АТБ «Ўзбекистон Республикаси Халқ банки»	Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини белгиланган тартибда тақдим этиш.	Белгиланган муддатларда

Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-ИЛОВА

(сана)

(тартиб рақами)

**Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш
бўйича давлат хизматлари кўрсатиш
СЎРОВНОМАСИ**

1. Фамилияси:			
2. Исми:			
3. Отасининг исми:			
4. Жинси:			
5. Туғилган санаси:			
кун	ой		йил
6. Туғилган жойи:			
6.1. Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри):			
6.2. Туман (шаҳар):			
6.3. Аҳоли пункти:			
7. Сўровнома тўлдирилган санада яшаш (доимий пропискада турган) жойи			
7.1. Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри)			
7.2. Туман (шаҳар)			
7.3. Аҳоли пункти:			
7.4. Кўча:			
7.5. Уй рақами:			
7.6. Хонадон рақами:			
8. Паспорт маълумотлари:			
8.1. Серияси:		8.2. Рақам	
8.3. Берилган вақти:	кун	ой	йил
8.4. Берилган жойи:			
ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ			

Аризачининг
электрон рақамли
имзоси (ЭРИ)

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 мартдаги 238-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг жамғариб
бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари
ҳақида» 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-бандда:

- а) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- б) учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 1-иловада:

- а) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Иш берувчилар, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартнома-
си асосида амалга ошираётган фуқаролар учун жамғариб бориладиган пен-
сия тизимида қатнашиш мажбурий ҳисобланади, агар қонун ҳужжатларида
бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса.

Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш Ўзбе-
кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тар-
тибда амалга оширилади.

Халқ банкининг филиали фуқаро жамғариб бориладиган пенсия тизи-
мида ҳисобга олингандан бошлаб икки иш куни мобайнида жамғариб бори-
ладиган пенсия дафтарчасини расмийлаштиради»;

- б) 8 ва 9-бандлар, 1, 1а ва 2-илловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-
лансин;

- в) 10-банднинг биринчи хатбошидаги «филиалидан» сўзи чиқариб таш-
лансин;

- г) 11-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

- д) 12-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

- е) 28-банднинг учинчи хатбошидаги «филиалидан» сўзи чиқариб таш-
лансин.

3. 2-иловада:

- а) 9 ва 10-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олишда
шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг доимий шахсий тар-
тиб рақамини бериш белгиланган тартибда амалга оширилади.

10. Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш
давлат хизмати олишда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи-
ни очиш учун сўровнома асос ҳисобланади»;

- б) 11 ва 12-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**247 Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги
фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллашти-
риш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ–3276-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатётган юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилаётган таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини соддалаштириш орқали лицензия даъвогарларига қулай имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан лицензияланади.

2. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги ҳар бир туман (шаҳар) мактабгача ва халқ таълими бўлимларидан малакали мутахассисларни нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялашда экспертиза хулосаларини тайёрлаш ва лицензия даъвогарига тақдим этиш жараёнига жалб этиш чораларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ўн беш кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда нодавлат таълим хизматлари кўрсатишга лицензия даъвогарларининг аризаларини давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизимини ишлаб чиқиб амалиётга жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 мартда эълон қилинган.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 март,
241-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 27 мартдаги 241-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги
фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш учун юридик шахсларга лицензия бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

3. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахсларга таълимнинг ҳар бир тури учун алоҳида лицензия берилади. Лицензияда фаолиятнинг лицензияланаётган тури, таълим фаолияти йўналишлари рўйхати аниқ кўрсатилади.

Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади.

4. Нодавлат таълим хизматлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия 5 йил муддатга берилади.

2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

5. Қуйидагилар нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

таълим-тарбия жараёнини давлат таълим стандартларига (давлат талабларига), ўқув режаларига ва таълим дастурларига мувофиқ ташкил этиш;

лицензия даъвогарига лицензияланаётган фаолиятни бажариш учун мўлжалланган, унга мулкӣ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан тегишли бўлган, белгиланган талабларга мувофиқ биноларнинг (хоналарнинг) мавжуд бўлиши;

аудиторияларни, ўқув хоналарини замонавий ахборот-коммуникация асбоб-ускуналари, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлар билан жиҳозлаш;

таълим дастурларининг белгиланган даражасини амалга ошириш учун ўқув биноларини зарур дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар ва бошқа кутубхона-ахборот ресурслари ҳамда воситалари билан таъминлаш;

таълим дастурларини умумий ўрта, касб-ҳунар ва олий таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ, шунингдек, мактабгача таълим, мактабдан ташқари таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ амалга ошириш;

таълимнинг мажбурий равишда дунёвий характерда бўлиши, таълим жараёнида урушни, зўравонликни тарғиб қилишдан фойдаланишга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлиги камситилишига, мамлакатдаги хавфсизлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари, фуқаролар осойишталигига, миллатлараро ва динлараро тотувликка раҳна солинишига, Ўзбекистон Республикаси тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилишига ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятлари бузиб кўрсатилишига йўл қўймаслик;

иктидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш орқали таълим-тарбиянинг юқори сифатини таъминлайдиган қулай шарт-шароитлар яратиш;

илғор халқаро тажрибаларни инобатга олиб, ўқитишнинг инновацион шакллари ҳамда замонавий технологияларидан фойдаланиш асосида таълим соҳасидаги самарадорлик ва натижадорликни ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иктидорли фарзандларини танлов асосида муассасадаги жами тарбияланувчилар, ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бепул ўқишга қабул қилиш;

битирувчиларга белгиланган тартибда таълим тўғрисида ҳужжат бериш.

6. Юридик шахсларнинг автототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ йўналишлар бўйича фаолиятни лицензиялаш учун қўшимча лицензия талаблари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

ўқув жараёнига дарсларнинг ўзлаштирилишини оширишга йўналтирилган ўқитиш мониторингини олиб бориш ва режалаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш;

бутун ўқув жараёнини қамраб оладиган анимация эффектлари ва ви-

деоконтентга эга электрон ўқув-услугий қўлланмаларнинг мавжуд бўлиши, ҳар бир таълим олувчини (тингловчини) ушбу ўқув қўлланмалари билан таъминлаш;

малака ошириш курсларида билимлар ўзлаштирилишини аниқлаш учун анимация эффектларига эга ягона тест дастурининг мавжуд бўлиши;

ҳар бир ўқитувчини ўқув дастурлари, турли педагогика технологияларидан фойдаланиш йўриқномаларини ўз ичига олган батафсил технологик хариталар билан таъминлаш;

ҳар бири камида 40 квадрат метр майдонга эга бўлган ва битта ҳудудда жойлашган икки ёки ундан кўп аудиторияларнинг мавжуд бўлиши;

ҳар бир аудиторияда видеопроекторлар, компьютерлар, аудио ва видео кузатув тизимлари, Йўл ҳаракати қоидалари бўйича кўргазмали қўлланмалар, шунингдек, ўқув жараёни ва якуний тест синовининг ошкоралигини таъминлаш учун жараёни ёзиб олиш тизимининг мавжуд бўлиши;

таълим олувчиларнинг билимларини якуний тест синовидан ўтказиш учун компьютерлар билан жиҳозланган алоҳида аудиториянинг мавжуд бўлиши.

3-боб. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолият бўйича лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

7. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида таълим турлари бўйича лицензия олиш учун лицензия даъвогари қуйидаги ҳужжатларни давлат хизматлари марказларига тақдим этади ёки электрон шаклда Ягона интерактив давлат хизматлари порталига юборади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза (унда юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи, почта манзили, таълим фаолиятини амалга ошириш жойининг манзили, банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланаётган тури, таълим фаолияти йўналишлари рўйхати. Лицензия бериш тўғрисидаги аризада лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиши тўғрисидаги розилиги ва электрон манзили кўрсатилади);

ёнғин ва санитария-эпидемиология назорати органларининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига ва санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосалари;

педагог кадрлар ҳақида маълумот;

ўқув режаси ва дастурларининг электрон нусхалари;

ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия даъвогари томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризада лицензия даъвогарининг электрон манзили кўрсатилгани унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

8. Ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия даъвогари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

**4-боб. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида
фаолият кўрсатиш учун аризаларни кўриб чиқиш ва
лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш
тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби**

9. Лицензия даъвогарининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия даъвогарининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат хизматлари марказларига шахсан мурожаат қилинган тақдирда, аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғимлар суммасининг 20 фоизи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг махсус ҳисоб рақамига, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинганда аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғимлар суммасининг 10 фоизи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия даъвогари берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

10. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

Ариза давлат хизматлари марказлари орқали топширилганда масъул ходим рўйхат асосида лицензия бериш учун ариза ва бошқа маълумотларни қабул қилади. Давлат хизматлари марказининг масъул ходими аризачига ариза қабул қилинган сана қайд этилган рўйхатга олиш нусхасини беради.

Давлат хизматлари марказларининг масъул ходими лицензия даъвогарининг аризасини зарур маълумотлари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига ҳужжат қабул қилинган куни юборди.

Ариза Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юборилганда, лицензия даъвогарининг аризаси қабул қилинганлиги ҳақидаги электрон хабар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг масъул ходими томонидан лицензия даъвогарининг электрон манзилига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси аризани қабул қилгандан сўнг 10 кун ичида ҳужжатларнинг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини ўрганади, ижобий қарор қабул қилинганда электрон лицензияни генерация қилади, электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб, давлат божи тўланганидан кейин давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали лицензия даъвогарига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Мактабгача таълим вазирлиги

ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ҳар бир туман (шаҳар) мактабгача ва халқ таълими бўлимларидан малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш учун экспертиза хулосаларини тайёрлаш ва лицензия даъвогарига тақдим этиш жараёнини ташкил этади.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, 1 кун муддат ичида лицензия даъвогарига рад этиш сабаблари ва лицензия даъвогари уларни бартараф этган ҳолда қайта кўриб чиқиш учун ариза бериши мумкин бўлган муддат кўрсатилган билдиришномани давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юборadi.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия даъвогарининг аризаси олинган кундан бошлаб 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

11. Лицензиялар қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Берилган, тўхтатиб турилган, янгиланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек, амал қилиши тўхтатилган лицензиялар «Лицензия» ахборот тизимлари комплекси реестрига киритилади.

12. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган сабаблар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия даъвогари лицензия беришнинг рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимларининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

13. Лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар лицензия даъвогари томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия даъвогарининг аризаси олинган кундан бошлаб 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Лицензия даъвогарининг аризасини қайта кўриб чиқишда лицензия беришни рад этиш тўғрисида аввалги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия даъвогарларининг аризалари такроран кўриб чиқилгани учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилгани тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

5-боб. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби

14. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси

қайта рўйхатдан ўтганидан кейин бир ой муддатда лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

15. Лицензиат таълим фаолиятини олиб бориш манзили ўзгарса, қўшимча манзилда фаолият олиб борса, қўшимча таълим йўналишлари бўйича фаолият олиб бормоқчи бўлса, қайта рўйхатдан ўтганидан кейин бир ой муддатда лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида Давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза бериши шарт.

16. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни аввал берилган лицензия асосида амалга оширади.

17. Лицензия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда қайта расмийлаштирилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия даъвогарининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилгани учун тўланадиган йиғимнинг 50 фоизи ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза давлат хизматлари марказлари орқали юборилганда, аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғимлар суммасининг 20 фоизи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлигининг махсус ҳисоб рақамига, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинганда, аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғимлар суммасининг 10 фоизи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

18. Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензиатнинг аризасига кўра узайтирилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда лицензиянинг амал қилиш муддати тугагунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

19. Лицензия даъвогарининг амалдаги лицензияси амал қилиш муддатини узайтириш учун аризасини кўриб чиқишда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорига йиғим ундирилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари

портали орқали берилган тақдирда, йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза давлат хизматлари марказлари орқали юборилганда, аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим суммасининг 20 фоизи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг махсус ҳисоб рақамига, Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг электрон манзили орқали мурожаат қилинганда, аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим суммасининг 10 фоизи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

20. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

21. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақида билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб икки ой мобайнида, лицензияловчи органга лицензия берилгани учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби

22. Лицензия даъвогари томонидан нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш мақсадида лицензия олиш учун ариза топширгани лицензия шартлари ва талабларига риоя этишига бўлган розилиги ҳисобланади.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, таълим тизими бошқаруви ва ваколатли органлар лицензия шартлари ва талабларига лицензиат томонидан риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади.

24. Лицензияловчи орган лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:
лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилишини режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида

пайдо бўладиган масалалар бўйича зарур ахборотни лицензиатдан талаб қилиш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида лицензия талаблари ва шартларининг лицензиат томонидан бузилишларини аниқ кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) расмийлаштириш;

лицензиатга лицензия талаблари ва шартларининг бузилишларини бар-тараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, уларни бар-тараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш.

25. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш-да лицензияловчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нус-хаси тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида қолади.

7-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш, лицензияни бекор қилиш тартиби

26. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш, лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғриси-да»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таъ-лим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси қарорига кўра амалга оширилади.

27. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки туга-тиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор юзасидан судга шикоят қилиши мумкин.

8-боб. Лицензиялар реестрини юритиш тартиби

28. Лицензияловчи орган таълим турлари бўйича «Лицензия» ахборот тизимлари комплексида лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрларида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар, шу жумладан, юридик шахснинг номи ва идентификация рақами, ташкилий-ҳуқуқий шакли, таш-килот раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

нодавлат таълим хизматининг тури, лицензияланаётган таълим йўнали-ши, амалга ошириладиган манзил, иш жойи телефони, факс;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияни қайта расмийлаштиришнинг асослари ва санаси, унинг амал қилиш муддатининг узайтирилиши ва тикланиши;

лицензиянинг амал қилиш муддатини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

29. Лицензиялар реестридаги маълумотлар «Лицензия» ахборот тизимлари комплексидаги веб-сайтда жойлаштирилади ва танишиш учун очик ҳисобланади.

9-боб. Давлат божини ундириш тартиби

30. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахсларга фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

31. Тўланган давлат божининг 20 фоизи миқдоридаги маблағлар ахборот-коммуникация хизматларидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун лицензияловчи органининг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия бериш учун давлат божининг қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади.

10-боб. Яқунловчи қоида

32. Мазкур Низомнинг қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги
фаолиятни лицензиялаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ижрочилар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати
1-босқич	Лицензия даъвогари	Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида лицензия олиш учун ҳужжатларни давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига юбориш.	Лицензия даъвогарининг хоҳишига кўра
2-босқич	Давлат хизматлари марказлари ходимлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталини юритиш учун масъул ходим	1. Лицензия бериш учун ариза ва рўйхатда кўрсатилган маълумотларни қабул қилиш. Лицензия даъвогарига ариза қабул қилинган сана қайд этилган рўйхатга олиш нусхасини бериш ёки лицензия даъвогарининг электрон манзилига юбориш. 2. Лицензия даъвогаридан қабул қилинган барча ҳужжатларни Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси электрон манзилига юбориш.	Ариза қабул қилинган куни
3-босқич	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	1. Лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини ўрганиш. 2. Электрон лицензияни рақамли имзо билан тасдиқлаб давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига юбориш. 3. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, лицензия даъвогарига рад этиш сабаблари ва лицензия талабгори уларни бартараф этган ҳолда қайта кўриб чиқиш учун ариза бериши мумкин бўлган муддат кўрсатилган билдиришнома юбориш.	Ариза қабул қилинган вақтдан бошлаб 9 кун ичида Ҳужжатлар ўрганилгандан сўнг 1 кун ичида Ҳужжатлар ўрганилгандан сўнг 1 кун ичида
4-босқич	Давлат хизматлари марказлари ходимлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталини юритиш учун масъул ходим	1. Лицензияни банк ҳисоб рақами реқвизитлари ва давлат божини тўлаш муддати ҳақида хабардор қилиш. 2. Давлат божи тўлагандан сўнг лицензияни тақдим этиш.	Электрон лицензия келиб тушган куни Давлат божи тўлангандан сўнг 1 кун ичида

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 27 мартдаги 241-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2018 йил 1 апрелдан
бошлаб ўз кучини йўқотаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2004 й., 9-сон, 107-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига илованинг 42-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2006 й., 20-21-сон, 181-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сон қарорига 1-илованинг 24-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига 1-илованинг 57-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги 169-сон қарорига 4-илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2013 й., 25-сон, 324-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 139-сон қарорига 2-илованинг 2-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**248 Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон Фармонида мувофиқ ҳамда болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилансинки, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб, давлат хизматлари олиш учун жисмоний шахслар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали мурожаат қиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги қуйидагиларни таъминласин:

ўн кун муддатда — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган намунавий шаклларни, ҳужжатлар бланкаларини ҳамда бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

бир ҳафта муддатда — туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари расмий веб-сайтлари (саҳифалари)ни такомиллаштириш, уларда давлат мактабгача таълим муассасалари ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш;

2018 йил мобайнида ҳар чоракда камида бир марта Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда, Давлат хизматлари марказлари, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари, давлат мактабгача таълим муассасалари ходимлари иштирокида, ушбу қарор билан тасдиқланган Маъмурий регламентни амалда қўлланиш самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўқув семинарлари ўтказиш.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2018 йил 1 апрелгача бўлган муддатда:

туман (шаҳар) давлат мактабгача таълим бўлимлари, давлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда давлат хизматлари кўрсатишда иштирок этувчи бошқа тузилмаларнинг ЯИДХПга уланишини таъминласин;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 мартда эълон қилинган.

ЯИДХПда болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳар бир босқичида жисмоний шахсларнинг муурожаатлари кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартиботини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари ва бошқа ташкилотларнинг улар томонидан болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг белгиланган тартибини амалга оширишга доир фаолияти юзасидан, шу жумладан ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган Маъмурий регламент талаблари бузилганлиги учун туман (шаҳар) давлат мактабгача таълим бўлимлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо чораларини белгиланган тартибда қўлласин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 30-сон, 732-модда) билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низомга 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 март,
244-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 28 мартдаги 244-сон қарорига
1-ИЛОВА

Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига (кейинги ўринларда муассасалар деб аталади) қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентнинг амал қилиши болаларни давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда татбиқ этилмайди.

3. Болаларни муассасага қабул қилиш тартиботини амалга оширишда:

а) муассасалар ҳар ойда кейинги ойнинг биринчи санасигача муассасалардаги мавжуд бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотларни туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимига (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) юборишади;

б) ваколатли органлар муассасалардаги бўш ўринларнинг электрон ҳисобини юритадилар, болаларни муассасага қабул қилиш бўйича электрон навбатларни шакллантирадилар, болаларни муассасага қабул қилиш бўйича йўлланмалар (кейинги ўринларда йўлланмалар деб аталади) берадилар;

в) муассасалар болаларни йўлланмалар асосида қабул қилишади.

4. Давлат хизматлари марказлари, ваколатли органлар ва муассасалар ўртасида ахборотлар алмашуви фақат идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик орқали, электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) қўллаган ҳолда амалга оширилади.

5. Болаларни муассасага қабул қилиш ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматлари кўрсатиш тартиби

6. Ваколатли орган ўзининг расмий веб-сайтида ўз тасарруфидаги муассасалар тўғрисидаги маълумотларнинг жойлаштирилишини ва уларнинг мунтазам янгилаб борилишини таъминлайди, унда қуйидагилар кўрсатилади:

а) муассасадаги ўринлар сони ва бўш ўринларнинг мавжудлиги;

б) болаларни муассасага қабул қилиш бўйича умумий асослардаги навбатга киритилган анкеталар рўйхати (кейинги ўринларда умумий рўйхат деб аталади), унда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) рўйхатга олиш рақами кўрсатилади;

в) ушбу Регламентнинг 18-бандига мувофиқ болаларни муассасага қабул қилиш бўйича навбатга киритилган анкеталар рўйхати (кейинги ўринларда

имтиёзли рўйхат деб аталади), унда ЯИДХПдаги рўйхатга олиш рақами кўрсатилади.

7. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда аризачилар деб аталади) йўлланмалар олиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келган ҳолда мурожаат қиладилар ёки электрон тарзда давлат хизматлари олиш учун ЯИДХПда рўйхатга олинадилар.

8. Ўзи келган ҳолда мурожаат қилинган тақдирда Давлат хизматлари маркази ходими аризачи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда эса аризачи давлат хизматлари олиш учун анкетани электрон тарзда мустақил равишда, ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган маълумотдан фойдаланган ҳолда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тўлдиради.

Аризачилардан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни, шунингдек бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

9. Аризачилар анкетада қуйидагиларни кўрсатиш (танлаш) ҳуқуқига эгадирлар:

а) бўш ўринларга эга бўлган муассасани (йўлланма олиш учун);
б) бўш ўринларга эга бўлмаган муассасани (навбатга киритилиши учун);
в) бўш ўринларга эга бўлмаган иккита муассасани (навбатга киритилиши учун);

г) бўш ўринларга эга бўлган битта муассасани (йўлланма олиш учун) ва бўш ўринларга эга бўлмаган бошқа муассасани (навбатга киритилиши учун).

10. Аризачи фарзандини муассасага қабул қилишнинг кичик ёшга етгунигача навбатга қўйиш ҳуқуқига эга.

Йўлланма муассасага қабул қилиш бўйича кичик ёшга етишидан эрта бўлмаган муддатда берилади.

11. Анкета расмийлаштирилгандан ва унга зарур маълумотлар киритилгандан кейин аризачи уни ЭРИ билан тасдиқлайди.

Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП аризачиларни давлат хизматлари олиш учун ЭРИнинг албатта мавжуд бўлиши тўғрисида олдиндан хабардор қилишади.

Давлат хизматлари марказлари аризачилар томонидан жойида ЭРИни олиш учун барча зарур шартларни таъминлаши шарт.

12. Болаларни муассасага қабул қилиш бўйича давлат хизмати бепул амалга оширилади.

13. Аризачиларда ЭРИнинг йўқлиги ёки уни олишни рад этиши ва анкетада ишончсиз маълумотларни кўрсатиши давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш учун асослар ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этиш қатъиян тақиқланади.

14. Аризачи давлат хизматлари олишни уларни кўрсатишнинг исталган босқичида рад этиш ҳуқуқига эга.

Аризачи томонидан давлат хизматлари олиш рад этилган тақдирда унинг анкетаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

15. Ўзи келган ҳолда мурожаат қилинган тақдирда Давлат хизматлари марказлари анкета тўлдирилган вақтдан бошлаб бир соат мобайнида уни ваколатли органга юборади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда анкета автоматик равишда ваколатли органга юборилади.

16. Ваколатли орган анкета келиб тушгандан бошлаб бир иш куни мобайнида:

а) йўлланмани расмийлаштиради — йўлланма олиш учун мурожаат қилинган ҳолатларда;

б) анкетани тегишли равишда умумий ёки имтиёзли рўйхатга киритади, шунингдек, хабарномани расмийлаштиради — навбатга киритиш учун мурожаат қилинган ҳолатларда;

в) Йўлланмани расмийлаштиради ва анкетани тегишли равишда умумий ёки имтиёзли рўйхатга киритади, шунингдек, хабарномани расмийлаштиради — йўлланма олиш учун битта муассасага мурожаат қилинган ва айни бир вақтда навбатга киритиш учун бошқа муассасага мурожаат қилинган ҳолатларда;

г) ушбу бандда назарда тутилган хатти-харакатларни бажариш чоғида параллел равишда ўз тасарруфидаги муассасалар тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайтда онлайн режимида янгилайди.

17. Хабарномалар ушбу Регламентнинг 16-бандига мувофиқ расмийлаштирилган ҳолатларда тегишли йўлланмалар муассасаларда ўринлар бўшаган куни навбатга мувофиқ расмийлаштирилади. Бунда имтиёзли рўйхатга киритилган анкеталар бўйича йўлланмалар умумий рўйхатга киритилган анкеталарга нисбатан биринчи навбатда расмийлаштирилади.

18. Болаларнинг қуйидаги контингенти анкеталари имтиёзли рўйхатга киритилади:

ногирон бўлган шахсларнинг болалари;

уч нафар ёки ундан кўп болалари бўлган оилаларнинг болалари;

харбий хизматчиларнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг болалари;

талабалар ва педагогларнинг болалари;

етим болалар ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;

бошқа муассасалардан ўтказилган болалар;

ақалари ёки опалари ушбу муассасанинг тарбияланувчилари жумласидан бўлган болалар.

Аризачиларда ушбу бандга мувофиқ устунлик ҳуқуқларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумот анкетада кўрсатилади. Бунда берилган йўлланмалар, тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари муассасага тақдим этилган ҳолатларда болаларни муассасага қабул қилиш учун асослар ҳисобланади.

19. Аризачи тақдим этган анкетада ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги, шу жумладан, унда кўрсатилган маълумотларнинг ушбу Регламентнинг 6, 9 ва 18-бандларида назарда тутилган маълумотларга номувофиқлиги йўлланмалар ва хабарномалар беришнинг рад этилиши учун асос ҳисобланади.

Йўлланмалар ва хабарномаларнинг берилишини бошқа асосларга кўра рад этиш қатъиян тақиқланади.

20. Ваколатли орган йўлланма ва хабарнома расмийлаштирилган куни уни ўзининг ЭРИ билан тасдиқлайди ва муассасага, шунингдек, давлат хизматлари марказига (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки аризачига (электрон тарзда мурожаат қилинганда) ЯИДХП орқали электрон тарзда юборади.

Давлат хизматлари маркази йўлланма ёки хабарнома келиб тушгандан кейин бир соат мобайнида уни ўзи келган ҳолда мурожаат этилганда ўз муҳрини қўйган ҳолда аризачига беради.

21. Болаларни муассасага қабул қилиш йўлланмалар келиб тушган ёки тақдим этилган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида, белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Болаларни муассасага йўлланмалар мавжуд бўлмаганда расмийлаштириш тақиқланади.

22. Аризачи болаларни муассасага қабул қилишни йўлланма олингандан кейин 15 кун мобайнида расмийлаштирмаган тақдирда йўлланма ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Давлат хизматлари марказлари, ваколатли органлар ва муассасалар ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган аризачи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши керак.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талабларининг бажарилиши бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадилар.

25. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан аризачи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

26. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-ИЛОВА

Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш ишларини амалга ошириш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ваколатли орган	Ўз тасарруфидаги давлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги маълумотлар ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини ва янгилаб борилишини таъминлаш.	Доимий равишда
2-босқич	Аризачи	Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда мурожаат этиш ёки давлат хизматини электрон тарзда олиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш.	Хоҳишига кўра
3-босқич	1) Давлат хизматлари маркази 2) ЯИДХП	Сўровномани ваколатли органга юбориш	1) 1 соат ичида 2) Автоматик равишда
4-босқич	Ваколатли орган	1. Йўлланма олиш учун мурожаат қилинган тақдирда йўлланмани расмийлаштириш. 2. Сўровномани тегишли равишда умумий ёки имтиёзли рўйхатга киритиш, шунингдек, хабарномани расмийлаштириш — навбатга туриш учун мурожаат қилинган ҳолларда. 3. Йўлланмани расмийлаштириш, сўровномани тегишли равишда умумий ёки имтиёзли рўйхатга киритиш, шунингдек, хабарномани расмийлаштириш — бир муассасага йўлланма олиш ҳамда бошқа муассасага навбатга туриш учун мурожаат қилинган ҳолларда.	1 иш куни ичида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
		<p>4. Йўлланмани ва (ёки) хабарномани ўз ЭРИ билан тасдиқлаш ҳамда уни (уларни) давлат мактабгача таълим муассасасига (муассасаларига), шунингдек, Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат қилинган тақдирда) аризачига юбориш.</p> <p>5. Юқорида кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш билан бир пайтда расмий веб-сайтда ўз тасарруфидаги муассасалар тўғрисидаги маълумотларни онлайн режимида янгилаш.</p>	
5-босқич	Давлат хизматлари маркази	Ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда йўлланмани ёки хабарномани унга ўз муҳрини қўйиш йўли билан бериш.	1 соат ичида

Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-ИЛОВА

(сана)

(т/р)

Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари олиш учун
СЎРОВНОМА

I. Аризачи ҳақида маълумот:

1. Болага нисбатан (ота, она, уларнинг ўрнини босувчи шахс):	
2. Ф.И.О.:	
3. Паспорт маълумотлари (рақами ва серияси):	
4. СТИР:	
5. Манзили:	
6. Телефон рақами:	
7. Электрон почта манзили:	

II. Бола ҳақида маълумот:

а) биринчи:	
1. Ф.И.О.:	
2. Туғилган йили:	
3. Туғилиш ҳақида гувоҳнома маълумотлари (рақами ва серияси):	
б) иккинчи: (мавжуд бўлса)	
1. Ф.И.О.:	
2. Туғилган йили:	
3. Туғилиш ҳақида гувоҳнома маълумотлари (рақами ва серияси):	
в) учинчи: (мавжуд бўлса)	
1. Ф.И.О.:	
2. Туғилган йили:	
3. Туғилиш ҳақида гувоҳнома маълумотлари (рақами ва серияси):	

III. Муассаса ҳақида маълумот:

а) биринчи:	
1. (Туман, шаҳар) мактабгача таълим бўлими:	

2. Муассаса рақами:	
3. Расмий веб-сайт маълумотига кўра бўш ўринлар сони:	
4. Умумий асосга кўра муассасага қабул қилиш учун навбатга киритилган анкеталар сони:	
5. Имтиёзли асосга кўра муассасага қабул қилиш учун навбатга киритилган анкеталар сони:	
6. Мурожаат мақсади:	йўлланма олиш
	навбатга туриш
б) Иккинчи: (зарур бўлса)	
1. (Туман, шаҳар) мактабгача таълим бўлими:	
2. Муассаса рақами:	
3. Расмий веб-сайт маълумотига кўра бўш ўринлар сони:	
4. Умумий асосга кўра муассасага қабул қилиш учун навбатга киритилган анкеталар сони:	
5. Имтиёзли асосга кўра муассасага қабул қилиш учун навбатга киритилган анкеталар сони:	
6. Мурожаат мақсади:	йўлланма олиш
	навбатга туриш

IV. Имтиёзли ҳуқуқ борлиги ҳақида маълумот* (зарур бўлса)

1. Ногиронлиги бўлган шахснинг фарзанди (гувоҳнома серияси ва рақами)	
2. Уч ва ундан зиёд боласи бор оила фарзанди (туғилиш ҳақида гувоҳномалар серияси ва рақамлари)	
3. Ҳарбий хизматчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимининг фарзанди (гувоҳнома серияси ва рақами)	
4. Талаба ёки педагог фарзанди (муассаса номи, директор (ректор) буйруғи рақами)	
5. Етим ёки ота-она қаровидан маҳрум бола (вафоти ҳақида гувоҳнома ёки бошқа ҳужжат серияси ва рақами)	
6. Бошқа муассасадан кўчирилган бола (муассаса номи, қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг санаси ва рақами)	
7. Ака-укалари ёки опа-сингиллари ушбу муассасада тарбияланаётган бола (қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг санаси ва рақами)	

Изоҳ:

* Ўзи келган ҳолда мурожаат этган тақдирда Давлат хизматлари маркази ходими томонидан, тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ тўлдирилади. ЯИДХП аризачи номидан, Ягона портал орқали мурожаат этган тақдирда тегишли ҳужжатларнинг асл нусхалари (кўчирмалари) муассасага қабул қилишни расмийлаштиришда муассасага тақдим этилади.

Аризачининг
ЭРИ

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 28 мартдаги 244-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон
қарори билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим
муассасаси тўғрисида низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«20. Давлат мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда бериладиган йўлланма асосида амалга оширилади».
2. 21 — 31-бандлар ва 1 — 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

249 Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ–5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2016 йил 5 октябрдаги 78, 2016-34 ва 341-В-сон қарори (рўйхат рақами 2836, 2016 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 44-сон, 516-модда) билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
52-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 мартда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
2018-19-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
341-В-1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 1 мартдаги 52, 2018-19 ва
341-В-1-сон қарорига
ИЛОВА

**Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек
харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини
ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа
тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 13-банддаги «Меҳнат вазирлиги» деган сўзлар «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 14-банднинг биринчи хатбошиси ва 15-банддаги «Меҳнат вазирлигининг» деган сўзлар «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 23-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Бунда, бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақалар олишга талабномалар бола туғилган кундан бошлаб 6 ойдан, дафн этишга эса шахс вафот этган кундан 60 кундан кечиктирмасдан тақдим этилиши лозим.».
4. 48 — 50-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
5. 51-банддаги «Меҳнат вазирлиги» деган сўзлар «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
6. 52-банддаги «Меҳнат вазирлиги» деган сўзлар «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
7. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

А. ХАИТОВ

2018 йил 1 март

*Касаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши раиси*

К. РАФИҚОВ

2018 йил 1 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

251 **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш даволатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-454-сон «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 9 февралдаги 8-сон буйруғи (рўйхат рақами 2660, 2015 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 10-сон, 121-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйи-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 мартда эълон қилинган.

ча солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-иловаси иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 март,
60-сон

Ўзбекистон Республикаси молия
вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 60-сон буйруғига
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат
мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа
мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги
ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларини
тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
22-ИЛОВА

« ____ » _____ 20__ йил ҳолатига _____ (тумани, шаҳри, вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси,
Тошкент шаҳри) бўйича 23402 — «Республика бюджетининг маблағлари» баланс ҳисобварағи орқали
Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушумлари бўйича
СОЛИШТИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
				«1-Н» ҳисоботига киритиладиган жами тушумлар	0000			= 0010 + 1440
				Солиқлар ва мажбурий тўловлар	0010			= 0020 + 0670 + 0830
				Даромад, фойда ва капитал ўсишига солиқлар	0020			= 0030 + 0070 + 0280 + 0380 + 0440 + 0660
				Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, жами	0030			= 0040 + 0041 + 0042 + 0043 + 0050 + 0060
3	111	100	253	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	0040			
3	111	500	462	Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилиши билан боғлиқ қўшимча ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи (кичик корхона ва микрофирмалар бўйича ҳисоблангандан ташқари)	0041			
3	111	600	251	Декларация асосида жисмоний шахслар томонидан тўланадиган даромад солиғи	0042			
3	111	700	481	Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилиши билан боғлиқ равишда, кичик корхона ва микрофирмалар бўйича қўшимча ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	0043			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	111	200	255	Тўлов манбаида ушлаб қолинган, жисмоний шахсларнинг дивиденд ва фоизлар кўринишида оладиган даромадларига солинадиган солиқ	0050			
3	111	300	252	Тўлов манбаида ушлаб қолинган, жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган даромадига солинадиган солиқ	0060			
				Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0070			= 0080 + 0220
				Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тадбиркорлар) даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0080			= 0090 + 0110 + 0120 + 0130 + 0140 + 0150 + 0180 + 0200 + 0210
3	111	401	256	Юридик шахс ташкил этмасдан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0090			
3	111	403	258	Юридик шахс ташкил этмасдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0110			
3	111	404	259	Юридик шахс ташкил этмасдан маиший хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0120			
3	111	405	260	Юридик шахс ташкил этмасдан ўз маҳсулотларини, шу жумладан, миллий ширинликлар ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0130			
3	111	406	261	Юридик шахс ташкил этмасдан автомобиль транспортида юк ташиш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0140			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	111	407	269	Юридик шахс ташкил этмасдан сартарошхона хизматлари соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0150			
3	111	410	272	Юридик шахс ташкил этмасдан ўйин автоматларини ишлатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0180			
3	111	412	268	Юридик шахс ташкил этмасдан умумий овқатланиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0200			
3	111	419	262	Юридик шахс ташкил этмасдан бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0210			
				Юридик шахслар фойдасига қатъий белгиланган солиқ	0220			= 0240 + 0270
3	112	202	266	Ўйин автоматларини ишлатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар фойдасига қатъий белгиланган солиқ	0240			
3	112	205	288	Автотранспортларнинг тўхташ жойига қатъий белгиланган солиқ	0270			
				Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (қўшимча фойдага солинадиган солиқдан ташқари)	0280			= 0290 + 0300 + 0310 + 0320 + 0330 + 0340 + 0350 + 0360 + 0370
3	112	101	999	Ташкилотларнинг фойдасига солиқ	0290			
3	112	102	161	Тижорат банкларининг фойдасига солиқ	0300			
3	112	103	162	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фойдасига солиқ	0310			
3	112	104	163	Юридик шахсларнинг дивиденд ва фоизлар кўринишида олган фойдасига (хорижий иштирокчининг қўшма корхонадаги улушли қатнашувидан олган даромадлардан ташқари) солинадиган солиқ	0320			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲи	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	112	105	168	Юридик шахсларнинг хорижий иштирокчисининг қўшма корхонадаги улушли қатнашувидан олган дивиденд ва фойзлар кўринишида олган фойдасига солинадиган солиқ	0330			
3	112	106	169	Хорижий юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассасаси билан боғлиқ бўлмаган фойдасига солиқ	0340			
3	112	107	166	Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар фойдасига солинадиган солиқ	0350			
3	112	108	171	Болаларбоп товарлар, аёллар гигиенаси ашёлари, бадий хунармандчилик маҳсулотлари ва ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар фойдасига солинадиган солиқ	0360			
3	112	109	172	Суғурта ташкилотларининг фойдасига солиқ	0370			
				Кўшимча фойдага солинадиган солиқ	0380			= 0390 + 0400 + 0410 + 0420 + 0430 + 0431
3	112	111	109	Мис катоди учун кўшимча фойдага солинадиган солиқ	0390			
3	112	112	099	Цемент учун кўшимча фойдага солинадиган солиқ	0400			
3	112	113	100	Полиэтилен гранулалари учун кўшимча фойдага солинадиган солиқ	0410			
3	112	114	101	Табий газ учун кўшимча фойдага солинадиган солиқ	0420			
3	112	115	097	Клинкер учун кўшимча фойдага солинадиган солиқ	0430			
3	112	116	165	Мобиль алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслари (уяли алоқа компаниялари) фойдасининг белгиланган рентабелликдан юқори қисмидан кўшимча фойда солиғи	0431			
				Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0440			= 0450 + 0570
				Микрофирма ва кичик корхоналар (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари), корхо-	0450			= 0460 + 0470 + 0480 + 0490 + 0500 + 0510 + 0520 + 0530 +

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	(минг сўмда) Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
				наларнинг алоҳида категориялари билан бирга, томонидан тўланадиган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар				0540 + 0550 + 0560 + 0561 + 0562 + 0563
3	112	501	419	Иқтисодиёт барча тармоқлари корхоналари томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0460			
3	112	502	450	Саноат ишлаб чиқариши билан шугулланувчи корхоналар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0470			
3	112	503	420	Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0480			
3	112	504	421	Концерт-томоша фаолияти билан шугулланиш лицензиясига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0490			
3	112	506	418	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш билан шугулланувчи ташкилотлар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0510			
3	112	507	449	Тайёрлов, брокер идоралари (қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолияти билан шугулланувчилардан ташқари), шунингдек воситачилик (топшириқ) шартномаси асосида воситачилик хизмати кўрсатувчи ташкилотлар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0520			
3	112	508	424	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолияти олиб боровчи ташкилотлар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0530			
3	112	509	428	Лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0540			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	112	518	459	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари) томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0550			
3	112	519	460	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш учун тургун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган корхоналар (ижарага беришдан олинган даромадлар 60%дан кўпни ташкил этади) томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0560			
3	112	520	454	Ломбардлар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0561			
3	112	521	464	Оммавий ахборот воситалари редакциялари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиокомпаниялар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0562			
3	112	522	467	Қурилиш соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмалар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0563			
				Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0570			= 0580 + 0590 + 0600 + 0610 + 0620 + 0630 + 0640 + 0650
3	112	510	431	Улгуржи савдо корхоналари (улгуржи савдо соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда дорихоналардан ташқари) томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0580			
3	112	511	434	Чакана савдо корхоналари (чакана савдо соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда дорихоналардан ташқари) томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0590			
3	112	512	435	Умумий овқатланиш корхоналари (умумий овқатланиш соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари) томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0600			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	112	513	436	Дорихоналар (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари) томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0610			
3	112	514	437	Улгуржи савдо соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмалар (дорихоналардан ташқари) томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0620			
3	112	515	440	Чакана савдо соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмалар (дорихоналардан ташқари) томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0630			
3	112	516	442	Умумий овқатланиш соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмалар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0640			
3	112	517	446	Кичик корхона ва микрофирма ҳисобланадиган дорихоналар томонидан тўланган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0650			
				Мол-мулкка солинадиган солиқ	0670			= 0680 + 0790 + 0810
				Кўчмас мулкка даврий солиқлар	0680			= 0690 + 0710
				Кўчмас мулк солиғи	0690			= 0700 + 0702 + 0703 + 0704 + 0705
3	131	101	189	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (қуйидаги даромад типларидан ташқари 102-105)	0700			
3	131	102	181	Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилаётган, юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган объектлар, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0702			
3	131	103	182	Шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 кв м дан кўп ва 500 кв м гача бўлган турар жойлар ва квартиралар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0703			
3	131	104	183	Шаҳарларда жойлашган умумий майдони 500 кв м дан кўп бўлган турар жойлар ва квартиралар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0704			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	131	105	184	Бошқа аҳоли пунктларида (шаҳарлардан ташқари) жойлашган умумий майдони 200 кв м дан кўп бўлган турар жойлар ва квартиралар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0705			
				Ер солиғи	0710			= 0720 + 0730 + 0740 + 0750 + 0760 + 0770 + 0780+ 0781
3	131	201	620	Қишлоқ хўжалигига оид ерлар (юримдик шахс ташкил этган ёки этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларидан тушадиган ер солиғидан ташқари) учун юримдик шахслардан ундириладиган ер солиғи	0720			
3	131	202	626	Юримдик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликларидан тушадиган ер солиғи	0730			
3	131	203	621	Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ерлар учун юримдик шахслардан ундириладиган ер солиғи	0740			
3	131	204	662	Қишлоқ хўжалигига оид ерлар (юримдик шахс ташкил этган ёки этмаган ҳолдаги хўжаликлардан тушадиган ер солиғидан ташқари) учун жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи	0750			
3	131	205	625	Юримдик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжалигидан тушадиган ер солиғи	0760			
3	131	207	624	Бошқа соҳалардаги (куйидаги даромад типларидан ташқари 208-209) тўловчилар томонидан тўланадиган ягона ер солиғи	0770			
3	131	208	627	Асосий фаолияти пахтачилик ва галлачилик бўлган фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи	0780			
3	131	209	185	Асосий фаолияти чорвачилик ва балиқчилик бўлган фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи	0781			
				Молиявий операциялар ва капитал билан боғлиқ операциялардан олинадиган солиқ	0790			= 0800
3	134	100	351	Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини ва (ёки) илгари рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун йғим	0800			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
				Мулкчиликка бошқа нодаврий солиқлар	0810			= 0820
				Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи	0820			= 0821 + 0822 + 0823
3	136	101	188	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги тўловчилар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи (қуйидаги даромад типларидан ташқари 102-103)	0821			
3	136	102	186	Тижорат банклари томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи	0822			
3	136	103	187	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корxonалар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи	0823			
				Товарлар ва хизматларга солиқлар	0830			= 0840 + 0930 + 1260 + 1340
				Товарлар ва хизматларга умумий солиқлар	0840			= 0850 + 0880
				Қўшилган қиймат солиғи	0850			= 0860 + 0870 + 0871 + 0872
3	141	102	998	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи (қуйидаги даромад типларидан ташқари 101, 103 — 105)	0860			
3	141	103	072	Импорт қилинган иш ва хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи	0870			
3	141	104	468	Қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи	0871			
3	141	105	190	Ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан ихтиёрий асосда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи	0872			
				Сотувдан солиқлар	0880			= 0890
				Жисмоний шахслардан бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ	0890			= 0900 + 0910 + 0920 + 0921
3	141	201	292	Бензин ва дизель ёқилғиси ишлатганлик учун олинadиган солиқ (тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган нефть маҳсулотларидан ташқари)	0900			
3	141	202	326	Суьултирилган газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ	0910			
3	141	203	327	Сиқилган газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ	0920			
3	141	204	191	Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган нефть маҳсулотлари бўйича бензин, дизель ёқилғиси ишлатганлик учун олинadиган солиқ	0921			
				Акцизлар	0930			= 0940 + 1060 + 1120 + 1160 + 1170

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХРи	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
				Алкоголь маҳсулотлар	0940			= 0950 + 0960 + 0970 + 0980 + 0990 + 1000 + 1010 + 1020 + 1030 + 1040 + 1050
3	142	101	517	Ароқ	0950			
3	142	102	518	Коньяк	0960			
3	142	103	519	Бальзам	0970			
3	142	104	523	Шампан виноси, газли ва вижилловчи винолар	0980			
3	142	105	515	Табиий винолар	0990			
3	142	106	525	Бошқа винолар	1 000			
3	142	108	543	Этил спирти	1 010			
3	142	109	513	Пиво	1 020			
3	142	110	534	Таркибида этил спирти 30 фоиздан кўп бўлган бошқа алкоголь маҳсулотлар	1 030			
3	142	111	535	Таркибида этил спирти 10 фоиздан 30 фоизгача бўлган бошқа узум ва мева-сабзавот ичимликлари	1 040			
3	142	112	536	Таркибида этил спирти 10 фоизгача бўлган бошқа кучсиз алкоголь ичимликлар	1 050			
				Нефть ва газ маҳсулотлари	1 060			= 1070 + 1080 + 1090 + 1100 + 1110 + 1111
3	142	201	521	Бензин	1 070			
3	142	202	548	Дизель ёқилгиси	1 080			
3	142	203	514	Табиий газ	1 090			
3	142	204	531	Суюлтирилган газ	1 100			
3	142	205	504	Авиация керосини	1 110			
3	142	206	506	Мотор мойи	1 111			
				Тамаки маҳсулотлари	1 120			= 1130 + 1140 + 1150
3	142	301	524	Юмшоқ ўрамдаги фильтрли сигаретлар	1 130			
3	142	302	526	Қаттиқ ўрамдаги фильтрли сигаретлар	1 140			
3	142	303	516	Фильтрsiz сигаретлар, папирослар	1 150			
3	142	600	520	Ўсимлик ёғи	1 160			
				Бошқа маҳсулотлар	1 170			= 1180 + 1220 + 1230 + 1240
3	142	901	539	«Дженерал Моторс Ўзбекистон» АЖ ишлаб чиқарган автомобиллар	1 180			
3	142	906	547	Кумушдан қилинган ошхона буюмлари	1 220			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	142	909	511	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмлари	1 230			
3	142	910	507	Чакана савдо тармоғида сотилаётган, олтиндан тайёрланган заргарлик буюмлари	1 240			
				Товар ишлатишга ва уларни ишлатишга рухсат ёки фаолиятни амалга ошириш учун солиқ	1 260			= 1270
				Товарлардан фойдаланиш ва улардан фойдаланиш учун рухсатномага ёки фаолиятни амалга оширишга бошқа солиқлар	1 270			= 1280
				Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 280			= 1290 + 1300 + 1310 + 1320 + 1330 + 1331
3	145	201	381	Электростанциялар сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ	1 290			
3	145	202	382	Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ	1 300			
3	145	203	383	Қишлоқ хўжалиги корхоналари, жумладан, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари, сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ	1 310			
3	145	204	384	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари ташкилотлари (электр станциялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналари ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридан, деҳқон хўжаликлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан ташқари) сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ	1 320			
3	145	205	388	Юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ	1 330			
3	145	206	180	Алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ	1 331			
				Товар ва хизматларга бошқа солиқлар	1 340			= 1350
				Ер қабридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар	1 350			= 1360 + 1370 + 1380 + 1390

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲи	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	146	101	661	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари)	1 360			
3	146	102	660	Маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 370			
3	146	104	664	Имзоли бонус	1 380			
3	146	105	666	Тижоратбоп топилма бонуси	1 390			
				БОШҚА ДАРОМАДЛАР	1 440			= 1450 + 1540 + 1910 + 2130
				Мол-мулкдан даромадлар	1 450			= 1460 + 1520 + 1531
				Дивидендлар ва нарх фарқлари	1 460			= 1490
				Нарх фарқи	1 490			= 1510 + 1511
3	412	212	665	Хусусий АЁҚШдан, бутун республика бўйича ягона чакана нархлар, марказлаштирилган тартибда белгиладиган нефть маҳсулотларининг чакана ва сотиб олиш нархлари ўртасидаги ижобий тафовут кўринишидаги тушумлар	1 510			
3	412	213	463	Нефть базалари таркибига кирувчи АЁҚШ ва бошқа бўлинмаларидан, бутун республика бўйича ягона чакана нархлар, марказлаштирилган тартибда белгиландиган нефть маҳсулотларининг чакана ва сотиб олиш нархлари ўртасидаги ижобий тафовут кўринишидаги тушумлар	1 511			
				Квазикорпорациялар даромадларидан тушумлар	1 520			= 1530
3	413	100	300	Бозорлардан тушган даромадлар	1 530			
				Рента	1 531			= 1532
3	415	100	336	Маҳсулотларни сотиш бўйича шартномалардан тушумлар	1 532			
				Товар ва хизматлар сотилиши	1 540			= 1550
				Маъмурий йиғимлар	1 550			= 1560+1710
				Давлат божлари	1 560			= 1580 + 1590 + 1600 + 1610 + 1620 + 1630 + 1640 + 1670 + 1680 + 1690 + 1700
3	422	101	307	Давлат божи (қуйидаги даромад типларидан ташқари 102 — 105, 109 — 113)	1 580			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	422	104	310	Нотариал идоралар томонидан олди-сотди, айирбошлаш, ҳада битимларини тасдиқлаш учун давлат божи	1 590			
3	422	110	298	Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи	1 600			
3	422	113	192	Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун давлат божи	1 610			
3	422	102	293	Давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи	1 620			
3	422	103	309	Ўзбекистон Республикаси судларида кўриладиган ишлардан олинadиган давлат божи	1 630			
3	422	105	294	Кириш ва чиқиш визалари бериш учун давлат божи	1 640			
3	422	108	358	Патент учун божлар	1 670			
3	422	109	335	Лицензия бериш учун давлат божлари	1 680			
3	422	111	343	Паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат берганлик учун давлат божи	1 690			
3	422	112	354	Нодавлат нотижорат ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун бож	1 700			
				Йиғимлар	1 710			= 1720 + 1730 + 1790
3	422	204	337	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари томонидан автотранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун олинadиган йиғимлар ва бошқа йиғимлар	1 720			
				Маҳаллий йиғимлар, жами	1 730			= 1750 + 1760 + 1770 + 1780 + 1781 + 1782
3	422	206	285	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим	1 750			
3	422	217	291	Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим	1 760			
3	422	218	275	Автотранспортнинг тўхташ жойи бўйича пуллик хизматлар кўрсатганлик учун йиғим	1 770			
3	422	208	314	Ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларнинг бошқа турларини тутганлик ва тўплаганлик (ғамлаганлик) учун тўлов ундиришдан олинadиган маблағлар	1 780			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона ғазна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	422	223	175	Республиканинг балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларида саноат мақсадида балиқ овлаш учун тўлов ундиришдан олинadиган маблағлар	1 781			
3	422	225	177	Давлат ўрмон фондига кирмаган дарахт ва буталарни кесишга рухсатномалар беришдан тушадиган маблағлар	1 782			
				Бошқа йиғимлар	1 790			= 1800 + 1810 + 1811 + 1820 + 1830 + 1850 + 1860 + 1870
3	422	207	313	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни тутганлик ва ёввойи ўсимликларни тўплаганлик (ғамлаганлик) учун тўлов ундиришдан олинган маблағлар	1 800			
3	422	226	173	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларни олиб чиқиш учун тўлов ундиришдан олинadиган маблағлар	1 810			
3	422	222	174	Ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларнинг бошқа турларини олиб чиқиш учун тўлов ундиришдан олинadиган маблағлар	1 811			
3	422	220	499	Апостиль қўйилганлиги учун йиғим	1 820			
3	422	211	318	Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ундириладиган кириш ва чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бошқа консуллик хизматлари учун йиғимлар ва бошқа тушумлар	1 830			
3	422	214	355	Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат техника назорати органларининг тушумлари	1 850			
3	422	215	364	Хорижий фирмалар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг ваколатхоналарини аккредитациядан ўтказиш учун тўлов	1 860			
3	422	224	176	Яланғоч қизилмияни қайта ишлаш маҳсулотини (суяқ ва кукунсимон экстрактларини), шунингдек яланғоч қизилмияни маҳсулот сифатида четга олиб чиқишга берилган рухсатнома учун тўлов ундиришдан олинadиган маблағлар	1 870			
				Жарималар, пенялар ва неустойкалар	1 910			= 1920

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХРи	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
				Жарима санкциялари	1 920			= 1930 + 1940 + 1950 + 1960 + 1970 + 1971 + 1990 + 2000 + 2030 + 2040 + 2060 + 2070 + 2080 + 2110 + 2120
3	430	134	178	Кўриқхоналар ҳудудидан ташқари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жарималар ва етказилган зарарни қоплашдан тушадиган маблағлар	1 930			
3	430	105	378	Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар	1 940			
3	430	107	379	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси жарималари бўйича тушумлар	1 950			
3	430	109	372	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги жарималари бўйича тушумлар	1 960			
3	430	111	329	Савдо қилиш ва хизмат кўрсатишда аҳоли билан пуллик ҳисоб-китоблар назорат касса аппаратини қўллагандан амалга оширилганлиги учун жарима ва санкциялардан тушумлар	1 970			
3	430	133	344	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати томонидан ундирилаётган жарималар	1 971			
3	430	101	332	Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан солинган жарималар	1 990			
3	430	102	325	Бошқа судлар томонидан солинган жарималар	2 000			
3	430	103	380	Ҳар йилги мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаганлик учун жарималар	2 030			
3	430	104	385	Солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий санкциялар	2 040			
3	430	108	369	Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жарималардан тушумлар	2 060			
3	430	131	508	Йўналишсиз таксилар фаолияти бўйича қонунчиликни бузганлик учун жарималар	2070			
3	430	132	509	Жисмоний шахслар томонидан турар жойларни ижарага бериш қонунчилигини бузганлик учун жарималар	2080			

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲи	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона ғазна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	430	128	299	Сугурталовчиларга сугурта тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги учун жарима санкциялари	2 110			
3	430	900	333	Бошқа турдаги жарималар	2 120			
				Аниқлаб бўлмайдиган ва бошқа даромадлар	2 130			= 2140 + 2200 + 2230 + 2300
				Давлат мулки ижарасидан тушумлар	2 140			= 2160 + 2170 + 2180
3	450	403	448	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига ундириладиган ижара тўловлари	2 160			
3	450	404	447	Туман ва шаҳарлар бюджетига ундириладиган ижара тўловлари	2 170			
3	450	405	444	Республика бюджетига ундириладиган ижара тўловлари	2 180			
				Мусодара қилинган мол-мулкни сотишдан тушган тушумлар	2 200			= 2210 + 2220 + 2221 + 2222
3	450	502	390	Ваколатли органлар (божхона органларидан ташқари) томонидан мусодара қилинган пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар ва товар-моддий қийматликларни сотишдан тушган тушум	2 210			
3	450	504	452	Ваколатли органлар (божхона органларидан ташқари) томонидан мусодара қилинган заргарлик буюмларини сотишдан тушган тушум	2 220			
3	450	506	465	Ваколатли органлар (божхона органларидан ташқари) томонидан мусодара қилинган хорижий валютани сотишдан тушган тушум	2 221			
3	450	508	179	Мусодара қилинган ов ва балиқ овлаш қуроллари, ноқонуний ов қилиш ва балиқ овлаш натижасида олиб қўйилган маҳсулотларни ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишдан олинган маҳсулотларни сотишдан тушган маблағлар	2 222			
				Харажат ва зарарларни қоплаш	2 230			= 2240
				Қоплаш ва компенсация тўловлари	2 240			= 2250 + 2280 + 2290
3	450	711	623	Ер қонунчилигини бузиш натижасида ташкилотлар ва фуқаролар томонидан етказилган зарарларни қоплаш	2 250			
3	450	714	360	Ундирилган процессуал чиқимлар	2 280			
3	450	715	317	Атроф-муҳит ифлосланганлиги учун компенсация тўловлари	2 290			

(минг сўмда)

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
				Бошқа даромадлар	2 300			= 2310 + 2320 + 2330 + 2331 + 2340 + 2350 + 2360 + 2370 + 2380 + 2390
3	450	906	316	Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш	2 310			
3	450	907	391	Эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни, ҳуқуқ бўйича давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналарни реализация қилишдан маҳаллий бюджетга тушадиган тушумлар	2 320			
3	450	922	510	Абонент рақамидан фойдаланилганлик учун мобиль алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахсларнинг (уяли алоқа компаниялари) тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	2330			
3	450	924	209	Мерос, ҳада ҳуқуқи бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тушумлар	2331			
3	450	916	359	Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларнинг иш ҳақидан давлат бюджетига ушлаб қолинаётган ажратмалари	2 340			
3	450	917	389	Фойдали хизмат муддати тугаган, тўлиқ эскирган ускуналардан фойдаланганлик учун тўлов	2 350			
3	450	923	349	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кино- ва видеотасвирга олиш учун ариза берувчининг ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат бериш учун тўлов	2360			
3	450	950	302	Вилоятга (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйсунадиган туман (шаҳар)лар бюджетининг бошқа тушумлари	2 370			
3	450	960	352	Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бюджетининг бошқа тушумлари	2 380			
3	450	970	331	Республика бюджетининг бошқа тушумлари	2 390			
				«1-Н» ҳисоботига киритилмайдиган жами тушумлар	x			= 3 411 110 (370) + ... + 3 512 202 (278)
3	411	110	370	Депозит ҳисобварағи кредитларидан фойдаланганлик учун фоиз тушумлари	x			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	411	114	296	Республика Ҳукумати томонидан хорижий давлат ҳукуматларига берилган кредитлар бўйича фоиз тушумлари	x			
3	412	101	210	Марказий банк даромади тушумлари	x			
3	412	102	498	Давлатнинг акция (пай)дан бўлган улуши ҳисобидан тушган дивидендлар (даромадлар)	x			
3	412	103	473	«Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти ва унинг ҳудудий филиалларининг устав фондларидаги акцияларнинг давлат улуши бўйича дивидендлар	x			
3	412	104	470	Давлатга қарашли бўлган ташкилотлар акцияларининг дивидендларини мақсадсиз ишлатилишидан тушган тушум	x			
3	412	105	471	Тижорат банкларининг давлатга тегишли бўлган акцияларининг дивидендларидан тушган тушум	x			
3	412	201	669	Айрим маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги, давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган ижобий фарқ	x			
3	412	204	659	Гуручга улгуржи-чиқиш ва чакана нарх орасидаги фарқдан тушумлар	x			
3	412	209	668	Бензин ва дизель ёқилгиси қолдиқларини қайта баҳолашдан даромадлар	x			
3	422	213	350	Қимматбаҳо металллардан тайёрланган маҳсулот ва қотишмаларни текшириш ва тамғалаш учун тўлов	x			
3	422	219	322	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ундирилаётган йиғимлар	x			
3	423	102	363	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат моддий захиралари бўйича тушум	x			
3	423	103	281	Республика ўқув муассасаларида хорижий фуқароларни ўқитишдан тушум	x			
3	450	301	376	Республика бюджетига турувчи бюджет ташкилотларининг ўтган йилларда олинган ва фойдаланилмаган бюджет маблағларини, шунингдек ўтган йиллардаги дебиторлик қарзларини қайтариш	x			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
3	450	302	373	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетида турувчи бюджет ташкилотларининг ўтган йилларда олинган ва фойдаланилмаган бюджет маблағларини, шунингдек ўтган йиллардаги дебиторлик қарзларини қайтариш	x			
3	450	303	377	Шаҳар ва туманлар бюджетида турувчи бюджет ташкилотларининг ўтган йилларда олинган ва фойдаланилмаган бюджет маблағларини, шунингдек ўтган йиллардаги дебиторлик қарзларини қайтариш	x			
3	450	601	305	Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ноқонуний сарфланган маблағлари бўйича тушумлар	x			
3	450	602	306	Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджетининг ноқонуний сарфланган маблағлари бўйича тушумлар	x			
3	450	603	308	Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган, туман ва шаҳар бюджетларининг ноқонуний сарфланган маблағлари бўйича тушумлар	x			
3	450	604	319	Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган, нархлар ва тарифларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бўйича қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида олинган ноқонуний даромадлар бўйича тушумлар	x			
3	450	605	320	Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган, давлат мол-мулки ва маблағлари билан Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига зарар етказган ҳолда битимлар тузиш оқибатида олинган маблағлар бўйича тушумлар	x			
3	450	606	321	Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган, давлат иқтисодий манфаат-	x			

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди			23402-сонли ҳисобварақнинг ШХРи	Даромадлар номи*	«1-Н» ҳисоботи коди	Давлат бюджети даромадлари (йил бошидан)	Шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилган	Ҳисоблаш алгоритми
1			2	3	4	5	6	7
				ларига етказилган бошқа турдаги зарарлар бўйича тушумлар				
3	450	721	455	Республика бюджети харажатларини қоплаш	x			
3	450	722	456	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджети харажатларини қоплаш	x			
3	450	723	457	Шаҳар ва туман бюджетлари харажатларини қоплаш	x			
3	450	908	303	Ташқи хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини, жумладан, тижорат банклари томонидан қайта молиялаштирилганларини бериш учун тўловлар	x			
3	450	909	304	Ички кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш учун тушумлар	x			
3	511	102	472	Давлат активларини сотишдан маҳаллий бюджетларга тушумлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)	x			
3	511	103	474	Бюджет ташкилотлари асосий воситаларини сотишдан республика бюджетига тушумлар	x			
3	511	106	587	Саноат истеъмолига қимматбаҳо металлларни сотишдан даромадлар	x			
3	511	108	512	Бюджет ташкилотлари асосий воситаларини сотишдан вилоят бюджетига (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) тушумлар	x			
3	511	110	532	Бюджет ташкилотлари асосий воситаларини сотишдан туман ва шаҳарлар бюджетига тушумлар	x			
3	512	101	345	Ташкилотлар томонидан бюджет ссудаларининг қайтарилиши	x			
3	512	201	276	Республика Ҳукумати томонидан хорижий давлат ҳукуматларига берилган кредитлар тушуми	x			
3	512	202	278	Хорижий давлатларнинг вазирликлари, идоралари ва ташкилотларига берилган кредитлар тушуми	x			
				Давлат солиқ идораси раҳбари (имзо ва идора муҳри) Банк муассасаси раҳбари (имзо ва идора муҳри) Ўзначилик бўлими раҳбари (имзо ва идора муҳри) Молия бўлими раҳбари (имзо ва идора муҳри)»				

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2018 й.

»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

252 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2320-1

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2011 йил 31 декабрдаги 38/1 ва 89-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2320, 2012 йил 1 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 5-сон, 54-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 март,
322-В-1-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 март,
63-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

253 «Фуқаро ва экспериментал авиацияда учувчилар таркиби учун ёшга оид чегараларни киритиш тўғрисида»ги қарорнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1762-1*

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида Халқаро фуқаро авиациясининг 60 ва 65 ёшга тўлган учувчилар таркибига ёшга оид чегараларни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган стандартлари ва тавсия этилган амаллар (Чикаго Конвенциясининг 1-иловасига киритилган 172-тузатиш) талабларини Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 28 декабрдаги 1099, 3692 ва 1669-сон «Фуқаро ва экспериментал авиацияда учувчилар таркиби учун ёшга оид чегараларни киритиш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 1762, 2008 йил 25 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 3-4-сон, 17-модда) 1-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«65 ёшга тўлган учувчилар таркиби Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвозларни бажаришда ўз вазифаларини бажаришга;

экипаж таркиби фақат битта учувчидан иборат бўлган ҳаво кемаларида халқаро тижорат ҳаво тушувларини бажарувчи 60 ёшга тўлган ҳаво кемаларининг командирлари (учувчилари) Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвозларни бажаришда ўз вазифаларини бажаришга қўйилмайдилар.»

2. Мазкур қарор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 мартда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат
қилиш давлат инспекцияси бошлиғи**

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 март,
42-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 март,
10-қ/қ-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 март,
16-сон

Келишилган:

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

К. РАФИҚОВ

2018 йил 23 март

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси
Бош директори в. б.*

Б. ХАКИМОВ

2018 йил 23 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

254 Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-3*

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сон қарори (рўйхат рақами 1815, 2008 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 март,
9/7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
17 мартдаги 9/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 52-банднинг биринчи хатбошисидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 67-банднинг иккинчи хатбошисидан «пайдо бўлган ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

255 Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/11-сон қарори (рўйхат рақами 2711, 2015 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 460-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида депо-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 мартда эълон қилинган.

зит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 март
9/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
17 мартдаги 9/10-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит
операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 131-банддан «ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 134-банддаги «гувоҳномани ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхасини олиб қолади» деган сўзлар «гувоҳноманинг нусхаси олиниб, асли қайтарилди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 154-банддаги «ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхасини» деган сўзлар «(нусхаси олиниб, асли қайтарилди)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

256 «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-61) 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-10*

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида Халқаро фуқаро авиациясининг 60 ва 65 ёшга тўлган учувчилар таркибига ёшга оид чегараларни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган стандартлари ва тавсия этилган амаллар (Чикаго Конвенциясининг 1-иловасига киритилган 172-тузатиш) талабларини Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида жорий қилиш мақсадида **буюрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-61) (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 18-сон, 212-модда) 16-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. 65 ёшга тўлган учувчилар таркиби Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвозларни бажаришда ўз вазифаларини бажаришга қўйилмайдилар.

Экипаж таркиби фақат битта учувчидан иборат бўлган ҳаво кемаларида халқаро тижорат ҳаво тушувларини бажарувчи 60 ёшга тўлган ҳаво кемаларининг командирлари (учувчилари) Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвозларни бажаришда ўз вазифаларини бажаришга қўйилмайдилар.»

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 март,
113-Н-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

257 Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2431-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ–3231-сон «Тиббиёт ва таълим муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 3 февралдаги ПҚ–3504-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 870-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 2017 йил 20 июндаги 393-сон «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил 28 декабрдаги 508-сон буйруғи (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 9-сон, 120-модда) билан тасдиқланган Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 февраль,
4-2018-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2018 йил 27 февралдаги
4-2018-сон буйруғига
ИЛОВА

**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида
ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган
маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 18-банд «тўлов миқдори» деган сўзлардан кейин «(оширилган тўлов-контракт миқдори бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 24-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда, стипендия абитуриентларни дарсларга қатнашишга рухсат берилган ойнинг биринчи санасидан ўрнатилган тартибда белгиланади.».

3. 27-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, оширилган тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилинганлар биринчи курснинг биринчи семестри давомида талабалар сафидан четлаштирилганда улар томонидан амалга оширилган тўловнинг 50 фоизи қайтариб берилмайди.».

4. 28-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, оширилган тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилинганлар биринчи курсда талабалар сафидан четлаштирилганда қайтариладиган тўлов миқдори ўқув йилининг охирига қадар қолган ойлар сонини тегишли ўқув йилига тасдиқланган ўқитишнинг оширилган тўлов-контракт миқдорининг ўн иккидан бир қисмига қўпайтириш орқали аниқланади ва контрактнинг тегишли тарафи ёзма мурожаатига қўра қайтариб берилади.».

5. 30-банднинг иккинчи хатбошиси «ва мазкур даврда ўрнатилган тартибда стипендия тўланади» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 34-банднинг биринчи хатбошиси «Ўқитишнинг контракт шаклидан» деган сўзлардан кейин «шу жумладан оширилган тўлов-контракт асосида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Ҳар йили олий таълим муассасалари томонидан ўқитишнинг контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича календарь йилга даромадлар ва харажатлар сметаси ишлаб чиқилиб тасдиқланади ҳамда бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ёки идорага рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.».

8. 46-бандда «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази» деган сўзлар «Касб-ҳунар таълими маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 55-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55. Ҳар йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитишнинг контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича календарь йилга даромадлар ва харажатлар сметаси ишлаб чиқилиб тасдиқланади ҳамда бўйсуну-

нуви бўйича тегишли вазирлик ёки идорага рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.».

10. 61-бандда «Назорат-тафтиш» деган сўзлар «Давлат молиявий назорати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси билан келишилган.

Молия вазири

Д. ҚУЧКАРОВ

2018 йил 27 февраль

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 8 февраль

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

2018 йил 12 февраль

*Жисмоний тарбия ва спорт
давлат қўмитаси раиси*

Р. КУРБАНОВ

2018 йил 12 февраль

Ташқи ишлар вазири

А. КОМИЛОВ

2018 йил 13 февраль

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

З. МИРЗАЕВ

2018 йил 9 февраль

*Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири в. б.*

Ш. ШЕРМАТОВ

2018 йил 9 февраль

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2018 йил 14 февраль

*Ўзбекистон Бадий
академияси раиси*

А. НУРИДИНОВ

2018 йил 15 февраль

*Автомобиль йўллари давлат
қўмитаси раиси*

А. АБДУВАЛИЕВ

2018 йил 16 февраль

*«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ бошқаруви раиси*

А. РАМАТОВ

2018 йил 20 февраль

*«Навоий кон-металлургия
комбинати» давлат корхонаси
бош директори*

Қ. САНАҚУЛОВ

2018 йил 19 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

258 Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрлар-
ни тарқатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча-
лар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1826-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2008 йил 19 майдаги 10-8/1493, 04-01-сон қарори (рўйхат рақами 1826, 2008 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 24-25-сон, 240-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 март,
166-мх-сон

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги Бош директори**

Л. ТАНГРИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 март,
22-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирлиги ҳамда
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги-
нинг 2018 йил 13 мартдаги 166-мх, 22-сон
қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни
тарқатиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот — Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулоти;»;

иккинчи — бешинчи хатбошилар тегишлича учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 9¹-банд билан тўлдирилсин:

«9¹. Даврий босма нашрларнинг ёшга оид таснифини, шунингдек жамоат жойларида ёпиқ ўровларда тарқатилиши керак бўлган даврий босма нашрларни аниқлаш ўрнатилган тартибда таҳририятлар томонидан амалга оширилади.».

3. 13-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Каталогда даврий босма нашрнинг номи ва индекси, каталогни нашр қилган тарқатувчининг телефон рақами, даврий босма нашрнинг обуна нархи, босмадан чиқиш даврийлиги, обуна даври, даврий босма нашрларнинг ёшга оид таснифи ва бошқа ахборотлар кўрсатилади.».

4. 25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Даврий босма нашрларнинг навбатдаги сонлари сотувга келиб тушганлиги тўғрисида харидорларни хабардор қилиш учун даврий босма нашрларнинг янги сонлари кўринадиган жойда ҳамма кўриши учун чиқариб қўйилади, болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган даврий босма нашрлар бундан мустасно.

Жамоат жойларида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган даврий босма нашрларни фақат ёпиқ ўровларда тарқатишга йўл қўйилади.».

5. 29-банд қуйидаги мазмундаги «д¹» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д¹) даврий босма нашрларнинг тегишли ёшга оид тоифасини ҳамда жамоат жойларда ёпиқ ўровларда тарқатиладиган болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган даврий босма нашрларни аниқлаш ва тарқатувчига ёпиқ ўровларда (хар бир нусхасини) тақдим этиш;».

6. 30-бандда:

«а» кичик банддаги «тарқатувчининг» деган сўз «нашрларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган даврий босма нашрларни жамоат жойларида тарқатиш учун ўровсиз ёки ўрови шикастланган ҳолатда тақдим этилганда таҳририятга қайтариш.».

7. 34-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Даврий босма нашрларнинг етказиб берилмаганлиги сабаби обуначи ариза берган кундан бошлаб 20 кун давомида (агар шартномада бундан камроқ муддат белгиланмаган бўлса) тарқатувчи томонидан аниқланиши ва бартараф этилиши керак.»;

иккинчи хатбошидаги «Камчиликлар» деган сўз «Аниқланган камчиликлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 38-бандда:

«а» кичик банд «чиқишининг кечикканлиги» деган сўзлардан кейин «ёки чиқмаганлиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган даврий босма нашрларни тарқатувчига ўровсиз ёки ўрови шикастланган ҳолатда тақдим этганлиги.».

9. 39-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) товар кўринишини йўқотган даврий босма нашрларни сотганлиги (агар обуначининг даврий босма нашрни олгунига қадар бундай камчиликлар пайдо бўлганлиги исботланса), шунингдек жамоат жойларида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган даврий босма нашрларни очиқ ҳолатда тарқатганлиги;».

10. 42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Агар даврий босма нашрнинг нусхаси (нусхалари)ни етказиб бериш форс-мажор ҳолатларининг юзага келиши оқибатида ёки обуначининг айби билан бузилганлиги исбот қилинса, шунингдек даврий босма нашрнинг чиқишини кечиктириш ёки навбатдаги сонининг чиқмаганлиги таҳририятнинг ва нашриётнинг айби билан юзага келган ҳолларда тарқатувчилар жавобгарликдан озод қилинадилар.».

11. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда «Матбуот тарқатувчи» АК билан келишилган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 12 март

«Матбуот тарқатувчи»
АК Бош директори

С. НАЖБИДДИНОВ

2018 йил 12 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

259 «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2624-1

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сон «Йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ-2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 16 октябрдаги 67-сон «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2624, 2014 йил 10 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 46-сон, 553-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
48-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги
48-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг
ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва
муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

а) учинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) тўртинчи хатбошидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) олтинчи хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) еттинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) саккизинчи, ўн бешинчи ва йигирма иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

е) тўққизинчи — йигирма биринчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ж) тўққизинчи, ўн учинчи, ўн бешинчи ва ўн тўққизинчи хатбошилардаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) ўнинчи ва ўн олтинчи хатбошилардаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) ўн иккинчи ва ўн саккизинчи хатбошилардаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2 ва 6-иловалар номларидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-иловада:

а) номидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «Молия, хусусийлаштиришдан ва бошқа манбалардан тушган маблағларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш» деган сўзлар «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-иловасида:

илова белгисидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

номидан «хусусийлаштиришдан тушган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

матнидаги «Молия, хусусийлаштиришдан ва бошқа манбалардан тушган маблағларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш» деган сўзлар «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 2-иловасида:

илова белгисидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

номидан «Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш, бозор инфратузилмаси институтларини шакллантириш учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

матнидаги «Молия, хусусийлаштиришдан ва бошқа манбалардан тушган маблағларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш» деган сўзлар «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 5-илова номидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жихозлаш» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 7, 14 ва 21-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 9-иловада:

номидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иловасининг илова белгиси ва номидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 10-иловада:

а) номидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга

қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «Молия, хусусийлаштиришдан ва бошқа манбалардан тушган маблағларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш» деган сўзлар «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) иловасида:

илова белгиси ва номидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «Молия, хусусийлаштиришдан ва бошқа манбалардан тушган маблағларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш» деган сўзлар «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 12-иловада:

номидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иловасининг илова белгиси ва номидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 13-иловада:

номидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иловасининг илова белгиси ва номидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 16-иловада:

номидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иловасининг илова белгиси ва номидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 17-иловада:

а) номидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «Молия, хусусийлаштиришдан ва бошқа манбалардан тушган маблағларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш» деган сўзлар «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) иловасида:

илова белгиси ва номидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «Молия, хусусийлаштиришдан ва бошқа манбалардан тушган маблағларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш» деган сўзлар «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 19-иловада:

номидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иловасининг илова белгиси ва номидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 20-иловада:

номидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иловасининг илова белгиси ва номидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ижро этувчи дирекцияси ва Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси билан келишилган.

***Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирли***

А. ХАЙТОВ

2018 йил 1 март

***Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси***

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 1 март

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Республика йўл жамғармаси
ижро этувчи директори*

М. АЛЛАБЕРГЕНОВ

2018 йил 1 март

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Сугориладиган ерларнинг мелиоратив
ҳолатини яхшилаш жамғармасини
бошқариш департаменти директори*

О. СОБИРОВ

2018 йил 1 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

260 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг кундузги таълим шаклига номзод-
лар танловини ўтказиш бўйича методикаларни тасдиқлаш
ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2987*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 декабр-
даги 958-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академия-
сининг кундузги ва сиртқи таълим шаклларига номзодларни танлаш ва ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қаро-
рига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кун-
дузги таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикалар
иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 февраль,
35-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
13 февралдаги 35-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар
танловини ўтказиш бўйича
МЕТОДИКАЛАР**

Мазкур Методикалар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 декабрдаги 958-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги ва сиртқи таълим шаклларига номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги ва сиртқи таълим шаклларига танлаш ва ўқишга қабул қилишда номзодларни психофизиологик ўрганиш, ёзма иш ўтказиш, номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини, чет тилларини ўзлаштирганлигини баҳолаш ҳамда уларни яқка тартибдаги якуний суҳбатдан ўтказиш услубларини белгилайди.

1-боб. Психофизиологик ўрганиш методикаси

1. Психофизиологик ўрганиш номзоднинг психофизиологик хислатлари ва индивидуал хусусиятларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

2. Психофизиологик ўрганиш автоматлаштирилган психофизиологик комплекслар (бундан буён матнда махсус комплекс деб юритилади) ёрдамида амалга оширилади.

3. Номзодларни психофизиологик ўрганиш махсус комплекс ёрдамида ўтказилишининг асосий тамойили — номзоднинг психофизиологик хусусияти бўйича хулоса қилишда инсон омилидан ҳоли бўлиш ва субъективликдан сақланиш ҳисобланади.

4. Психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган кунда номзод махсус жиҳозланган хонага киритилишидан олдин унга мазкур Методикада назарда тутилган психофизиологик ўрганиш ўтказиш тартиби, махсус комплекснинг техник хусусиятлари, хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзини қандай тутиши лозимлиги тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

5. Психофизиологик ўрганиш номзоднинг ҳиссий (соматик), психоэмоционал ҳолати яхши бўлгандагина ўтказилиши лозим.

6. Психофизиологик ўрганиш бошланишидан олдин ўзини ёмон ҳис қилаётган ёки соғлиғидан шикоят қилаётган номзодлар мазкур ўрганишга қўйилмайди. Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 декабрдаги 958-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ташкил этил-

ган Номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш бўйича қабул комиссияси (бундан буён матнда қабул комиссияси деб юритилади) аъзоси томонидан мазкур ҳолат юзасидан далолатнома тузилади.

Мазкур бандда назарда тутилган ҳолда психофизиологик ўрганишга киритилмаган номзодга кейинги гуруҳлар таркибида психофизиологик ўрганишдан ўтиш учун қабул комиссияси томонидан рухсат берилади.

7. Психофизиологик ўрганиш ҳар бир номзод учун алоҳида махсус жиҳозланган хонада ўтказилади.

Ушбу хона табиий ёки сунъий ҳолда ёритилган ҳамда шовқиндан ҳимояланган бўлиши лозим.

Хонада номзодга ажратилган жой қулай бўлиши керак.

8. Психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган хонага номзодлар бир нафардан киритилади.

Номзодлар психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган хонага ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

9. Номзоднинг қўлларига махсус комплекснинг электродлари уланади. Номзодга мазкур электродлар орқали 10 дақиқагача бўлган вақт давомида кичик қувватли электр импульслар узатилади.

10. Психофизиологик ўрганиш давомида номзод билан мулоқотга киришишга йўл қўйилмайди.

11. Психофизиологик ўрганиш давомида номзод узлуксиз равишда кузатиб турилади.

12. Психофизиологик ўрганиш якунида махсус комплекс номзоднинг психофизиологик хусусиятини 5 баллик тизимда аниқлайди.

13. Номзоднинг махсус комплекс томонидан аниқланган натижаси 6.0 коэффицентга кўпайтириш орқали «30» баллик тизимда қуйидаги формула асосида баҳоланади:

$$D = E \times 6$$

D — якуний балл;

E — махсус комплекс номзоднинг психофизиологик хусусияти бўйича натижаси.

Психофизиологик ўрганишда узрсиз сабаларга кўра қатнашмаган номзодлар «0» балл билан баҳоланади.

14. Психофизиологик ўрганиш натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методикаларнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

15. Қайднома психофизиологик ўрганишда иштирок этган қабул комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

2-боб. Ёзма иш ўтказиш методикаси

16. Ёзма иш номзоднинг имловий ва тиниш белгиларига оид (ишорат)

саводхонлик даражасини ҳамда мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

17. Ёзма иш номзодлар томонидан баён ёки иншо ёзиш орқали амалга оширилади.

Ёзма ишнинг баён ёки иншо ёзиш шаклида ўтказилиши қабул комиссияси томонидан белгиланади.

18. Ёзма иш ўтказиш учун тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишув асосида малакали мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

19. Баённинг матнлари ва иншонинг мавзулари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ шакллантирилади.

20. Баённинг матнлари ва (ёки) иншонинг мавзулари 1 июнь кунига қадар қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

21. Тасдиқланган матн ва (ёки) мавзулар қабул комиссияси котиби томонидан номзодлар сонидан келиб чиқиб кўпайтирилади ва уларнинг зарур миқдорда, хато ва камчиликларсиз бўлиши учун у масъул ҳисобланади.

22. Матн ва (ёки) мавзулар қабул комиссияси котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.

23. Ёзма иш ўтказилаётган хонага жадвал, луғат, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

24. Номзодлар ёзма иш ўтказиладиган аудиторияга ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

25. Ёзма иш бошланишидан олдин қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодларга ёзма иш ўтказиш тартиби тушунтирилади ҳамда рақамланган дафтарлар тарқатилади.

26. Номзод рақамланган дафтарнинг устки қисмига ўзининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ҳамда гуруҳ рақами ҳақидаги маълумотларни ёзади.

27. Номзодларга баён матни бир маротаба тушунарли ва тўлиқ ўқиб эшиттирилади. Баён матнининг ҳажми 250 — 300 та сўздан иборат бўлади.

Баён матни ўқиб эшиттирилгандан кейин номзодларга баён ёзиш учун 2 академик соат (80 дақиқа) вақт берилади.

Баён ёзиш вақтида номзодларга баён матнининг такроран ўқиб эшитирилишига йўл қўйилмайди.

28. Баённи муддатидан олдин ёзиб тугатган ёки баён ёзиш учун ажратилган вақт тугагач, номзод баён ёзишни тўхтатади ва ўзининг рақамланган дафтарини қабул комиссия аъзосига топшириб аудиторияни тарк этади.

29. Қабул комиссияси аъзоси номзодлардан қабул қилиб олинган дафтарларини мутахассисларга текшириш учун топширади.

30. Аудиторияда матнни ўқиб эшиттирган шахсга шу аудиториядаги номзодларнинг ёзган баёнларини текширишига йўл қўйилмайди.

31. Номзодлар томонидан ёзилган баён «30» баллик тизимда баҳоланади.

Баён:

матн мазмуни тўғри, мантиқли ва изчил баён этилган, сўз бойлиги, гап

қурилиши ва ифода услуби адабий тил талабларига мос бўлиб, матн мазмунига ижодий ёндашилган, саводхонликда 1 та имловий ва 2 та ишоратга оид хатоликка йўл қўйилган, умумий хатолар 3 тадан ошмаган деб топилганда — «30» балл билан баҳоланади;

матн мазмуни тўғри, мантиқли ва изчил баён этилган, сўз бойлиги, гап қурилиши ва ифода услуби адабий тил талабларига мос бўлиб, матн мазмунига ижодий ёндашилган, саводхонликда 2 та имло, 3 та ишоратга оид ва 1 та услубий хатоликка йўл қўйилган, умумий хатолар 6 тадан ошмаган деб топилганда — «25» балл билан баҳоланади;

фикр баёнида мантиқий изчиллик бузилган, сўз танлашда ва ифода қурилишида камчиликлар кузатилган, матнда мавзудан четга чиқиш ҳолатлари кузатилган, саводхонликда 4 та имло, 4 та ишоратга оид ва 2 та услубий хатоликка йўл қўйилган, умумий хатолар 10 тадан ошмаган деб топилганда — «20» балл билан баҳоланади;

матн баёнида мантиқий изчиллик етишмаган, гап тузишда камчиликлар кузатилган, сўз бойлиги кам, саводхонликда 5 та имло, 6 та ишоратга оид ва 3 та услубий хатоликка йўл қўйилган, умумий хатолар 14 тадан ошмаган деб топилганда — «15» балл билан баҳоланади;

матн баёнида мантиқий изчиллик бузилган, сўз бойлиги кам, саводхонликда 7 та имло, 8 та ишоратга оид ва 5 та услубий хатоликка йўл қўйилган, умумий хатолар 20 тадан ошмаган деб топилганда — «10» балл билан баҳоланади;

мавзу очилмаган, фикрлар бир-бирига боғланмаган, саводхонликда 7 тадан ортиқ имло, 8 тадан ортиқ ишоратга оид ва 5 тадан ортиқ услубий хатоликка йўл қўйилган, баённинг мазмуни бошқа мавзуда ёзилган, умумий хатолар 20 тадан ортиқ деб топилганда — «0» балл билан баҳоланади.

Номзод дафтарни баён ёзилмаган бўш ҳолда топширганда у «0» балл билан баҳоланади.

32. Номзодларга иншо мавзуси бир маротаба тушунарли ва тўлиқ ўқиб эшиттирилади.

33. Номзодларга иншо ёзиш учун 3 академик соат (120 дақиқа) вақт берилади.

34. Номзод томонидан ёзиладиган иншо матни мантиқан изчил, тушунарли баён этилиши, шунингдек иншонинг режаси мавзуга мос, ижодий ҳамда мустақил тузилиши лозим.

35. Иншони белгиланган муддатдан олдин ёзиб тугатган ёки иншо ёзиш учун ажратилган вақт тугагач, номзод иншо ёзишни тўхтатади ва ўзининг рақамланган дафтарини комиссия аъзосига топшириб аудиторияни тарк этади.

36. Қабул комиссияси аъзоси номзодлардан қабул қилиб олинган дафтарларини мутахассисларга текшириш учун топширади.

37. Аудиторияда мавзунини ўқиб эшиттирган шахс шу аудиториядаги номзодларнинг ёзган иншоларини текширишига йўл қўйилмайди.

38. Номзодлар томонидан ёзилган иншо «30» баллик тизимда баҳоланади.

Иншо:

режа мустақил ва ижодий тузилган, мавзу мантиқий изчилликда ва

батафсил ёритилган, сўз бойлиги, гап қурилиши ва ифода услуби адабий тил талабларига мос бўлиб, мавзу мазмунига ижодий ёндашилган, хулосалар тўғри чиқарилган, саводхонликда 3 та имловий ва 6 та ишоратга оид хатоликка йўл қўйилган, умумий хатолар 9 тадан ошмаган деб топилганда — «30» балл билан баҳоланади;

режа мустақил тузилган, мавзу батафсил ёритилган, адабий тил талабларига мос ёзилган, аммо фикрни баён қилишда ижодий ёндашилмаган, саводхонликда 6 та имло, 9 та ишоратга оид ва 3 та услубий хатоликка йўл қўйилган, умумий хатолар 18 тадан ошмаган деб топилганда — «25» балл билан баҳоланади;

режа мустақил тузилган, мавзу изчил баён этилмаган, адабий тил талабларига мос ёзилган, аммо фикр мантикий кетма-кетликда баён қилинмаган, саводхонликда 10 та имло, 12 та ишоратга оид ва 6 та услубий хатоликка йўл қўйилган, умумий хатолар 28 тадан ошмаган деб топилганда — «20» балл билан баҳоланади;

режа мавзу доирасидан четга чиққан ҳолда тузилган, мавзу тўлиқ ва мантикий кетма-кетликда ёритилмаган, саводхонликда 12 та имло, 15 та ишоратга оид ва 8 та услубий хатоликка йўл қўйилган, умумий хатолар 35 тадан ошмаган деб топилганда — «15» балл билан баҳоланади;

режа мавзу доирасидан четга чиққан ҳолда тузилган, мавзу тўлиқ ва мантикий кетма-кетликда ёритилмаган, саводхонликда 15 та имло, 18 та ишоратга оид ва 10 та услубий хатоликка йўл қўйилган, умумий хатолар 43 тадан ошмаган деб топилганда — «10» балл билан баҳоланади;

мавзу очилмаган, фикрлар бир-бирига боғланмаган, саводхонликда 15 тадан ортиқ имло, 18 тадан ортиқ ишоратга оид ва 10 тадан ортиқ услубий хатоликка йўл қўйилган, баённинг мазмуни бошқа мавзуда ёзилган, умумий хатолар 43 тадан ортиқ деб топилганда — «0» балл билан баҳоланади.

Номзод дафтарни иншо ёзилмаган бўш ҳолда топширганда у «0» балл билан баҳоланади.

Ёзма ишда узрсиз сабаларга кўра қатнашмаган номзодлар «0» балл билан баҳоланади.

39. Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда ёзма ишдаги хатолар 1 та хато деб ҳисобланади:

5 та ўринда «х» ёки «ў» харфлари ўрнида тегишлича «х» ёки «у» харфлари ёзилган бўлса;

тиниш белгиларини қўллашда 6 тагача хатоликка йўл қўйилган бўлса; келишиқ қўшимчаларини қўллашда 3 тагача хатоликка йўл қўйилган бўлса.

40. Қуйидагилар хато деб ҳисобланмайди:

тасодифий хатолар (масалан, «тушунмоқ» сўзи барча ўринларда тўғри ёзилган, бироқ битта ўринда нотўғри ёзилган ёки «1441» ўрнига «1941» ёзилган бўлса);

тақрорий хатолар (масалан, «қутулмоқ» сўзи 5 тагача ўринда «қутилмоқ» тарзида қўлланилган бўлса);

сўз кўчиришдаги хатолар (масалан, воқе-а ёки октя-брь);

айрим атамаларнинг ёзилишидаги хатолар (масалан, Чўлпон ота — Чўпон ота, Юнусобод — Юнус-обод).

41. Ёзма ишдаги тузатишлар миқдори 5 тадан ортиқ бўлса, баҳо бир баллга пасайтирилади.

42. Ёзма иш натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методикаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

43. Қайднома ёзма ишни ўтказишда иштирок этган қабул комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

3-боб. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш методикаси

44. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган машқларни бажаришларини текшириш орқали амалга оширилади.

45. Умумжисмоний тайёргарлик машқларини бажариш бошланишидан олдин номзодларга қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассислар томонидан машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби тушунтирилади.

46. Номзодлар умумжисмоний тайёргарлик машқларини бажаришда спорт кийимида бўлишлари шарт.

47. Номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган умумжисмоний тайёргарлик машқлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар йигитлар ва қизлар учун алоҳида белгиланади.

48. Қўйидагилар йигитлар томонидан бажарилиши лозим бўлган умумжисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

тўсинда (турникда) тортилиш;

100 метрга югуриш;

3000 метрга югуриш.

49. Қўйидагилар қизлар томонидан бажарилиши лозим бўлган умумжисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

куч ишлатиш машқлари комплекси;

100 метрга югуриш;

1000 метрга югуриш.

50. Умумжисмоний тайёргарлик машқларини бажариш оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

51. Умумжисмоний тайёргарлик машқларини узрсиз сабабларга кўра бажармаган, шунингдек машқларни бажаришда «0» балл билан баҳоланган номзодларга қайта топширишга рухсат берилмайди.

52. Қўйидагилар тўсинда (турникда) тортилиш машқига қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

бош бармоқ поя ичкарисидан ушланади, тана биров ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

ияк тўсин (турник) поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 2 сониягача давом этиши мумкин).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни букиш ва кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

53. Номзод томонидан бажарилган тўсинда (турникда) тортилиш машқи қуйидагича баҳоланади:

13 маротаба ва ундан ортиқ тортилганда — «10» балл;

11-12 маротаба тортилганда — «7» балл;

9-10 маротаба тортилганда — «5» балл;

1 — 8 маротаба тортилганда ёки умуман тортила олмаганда — «0» балл.

54. 100 метрга югуриш машқи юқори ёки қуйи стартдан амалга оширилади ҳамда стадионнинг югуриш йўлакчасида ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

55. Номзод томонидан бажарилган 100 метрга югуриш машқи қуйидагича баҳоланади:

а) йигитлар учун:

14,2 сония ичида бажарганда — «10» балл;

14,3 — 14,6 сонияда бажарганда — «7» балл;

14,7 — 15,4 сонияда бажарганда — «5» балл;

15,5 сонияда ва ундан ортиқ вақтда бажарганда ёки умуман бажармаганда — «0» балл.

б) кизлар учун:

17,0 сония ичида бажарганда — «10» балл;

17,1 — 17,8 сонияда бажарганда — «7» балл;

17,9 — 18,4 сонияда бажарганда — «5» балл;

18,5 сонияда ва ундан ортиқ вақтда бажарганда ёки умуман бажармаганда — «0» балл.

56. 3000 ва 1000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади.

Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

57. Номзод томонидан бажарилган 3000 метрга югуриш машқи қуйидагича баҳоланади:

12,50 дақиқа ичида бажарганда — «10» балл;

12,50 дақиқадан ортиқ, бироқ 13,10 дақиқагача бажарганда — «7» балл;

13,10 дақиқадан ортиқ, бироқ 13,45 дақиқагача бажарганда — «5» балл;

13,45 дақиқадан ортиқ вақтда бажарганда ёки умуман бажармаганда — «0» балл билан баҳоланади.

58. Номзод томонидан бажарилган 1000 метрга югуриш машқи қуйидагича баҳоланади:

4,30 дақиқа ичида бажарганда — «10» балл;

4,30 дақиқадан ортиқ, бироқ 4,50 дақиқагача бажарганда — «7» балл;

4,50 дақиқадан ортиқ, бироқ 5,20 дақиқагача бажарганда — «5» балл;

5,20 дақиқадан ортиқ вақтда бажарганда ёки умуман бажармаганда — «0» балл билан баҳоланади.

59. Номзод томонидан куч ишлатиш машқлари комплексини бажаришда 1 дақиқа ичида 2 та машқ узлуксиз бажарилади.

Ҳар бир машқни бажариш учун 30 сониядан вақт ажратилади.

Биринчи машқни бажариш учун ажратилган 30 сония вақт тугаганлиги эълон қилинганда, номзод дарҳол иккинчи машқни бажаришга киришади.

Қуйидагилар биринчи машқни бажаришга қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

чалқанча ётилади;

қўллар белда, тиззалар букилмаган ҳолда оёқлар тўпиқ қисмидан бошқа одам ёрдамида ушланади;

дастлабки ҳолатдан гавда олдинга кўтарилиб, қўллар оёқ учига теккандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида тиззаларни букиш ва шерик томонидан оёқларни қўйиб юбориш тақиқланади.

Қуйидагилар иккинчи машқни бажаришга қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

таяниб ётилади, қўллар елка кенглигида тиззалар букилмаган ҳолатда бўлади;

қўллар букилиб ёзилади (бунда бел ҳамда елка қисмлари биргаликда ва текис тушиб чиқиши шарт);

қўллар букилиб тана ерга нисбатан параллел ҳолатга келтирилгандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида қўллар чала букилиб ёзилиши, бел ва елкалар ҳар хил тушиб чиқиши, тиззаларнинг ерга тегиши тақиқланади.

60. Номзод томонидан бажарилган куч ишлатиш машқлари комплекси қуйидагича баҳоланади:

34 маротаба ва ундан ортиқ бажарилганда — 10 балл;

32 — 33 маротаба бажарилганда — 7 балл;

28 — 31 маротаба бажарилганда — 5 балл;

1 — 27 маротаба бажарилганда ёки умуман бажарилмаганда — 0 балл.

61. Умумжисмоний тайёргарлик машқларини бажарган номзодларни баҳолаш натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методикаларнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

62. Қайднома қабул комиссиясининг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

4-боб. Чет тилларини ўзлаштирганликни баҳолаш методикаси

1-§. Умумий қоидалар

63. Номзодларнинг чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш тест синовлари ёки назарий имтиҳон ўтказиш орқали амалга оширилади.

64. Умумтаълим муассасаларида инглиз, немис ва француз тилларини ўзлаштирган номзодлар учун тест синовлари ўтказилади.

65. Умумтаълим муассасаларида бошқа чет тилини (испан, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур ва бошқа тиллар) ўзлаштирган номзодлар учун назарий имтихон синовлари ўтказилади.

66. Тест синовларига ёки назарий имтихонга узрли сабабларсиз келмаган номзодлар учун имтихон қайта ўтказилмайди.

67. Тест саволлари ва назарий имтихон саволлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фан дастурлари доирасида тузилади.

68. Тест саволлари ва назарий имтихон саволлари қабул комиссияси томонидан 1 июнь кунига қадар тасдиқланади.

69. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари ҳамда назарий имтихон саволлари қабул комиссияси котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.

2-§. Тест синовларини ўтказиш

70. Тест синовлари компьютер техникалари билан жиҳозланган махсус хонада ўтказилади.

Номзод компьютер дастурларида бериладиган саволларга жавобларни белгилаш орқали тест синовларидан ўтади.

71. Тест синовлари ўтказилаётган хонага жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

72. Тест синовларини ўтказишни бошлашдан аввал қабул комиссияси аъзолари номзодларга тест синовларини ўтказиш тартибини тушунтириши шарт.

73. Номзодга 30 та тест саволи берилади.

Тест саволларини ечиш учун 1 соат (60 дақиқа) вақт берилади.

74. Ҳар бир тест саволида 4 тадан жавоб варианты (А, В, С, D) берилади. Номзодлар тест саволларини ечишда фақат битта тўғри жавобни белгилаши лозим.

Жавоблар тўғри белгиланиши учун номзод шахсан жавобгардир. Жавобларни нотўғри белгиллаган номзодларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

75. Тест синовларини топшириш вақтида номзоднинг хонадан чиқиши тақиқланади, номзоднинг соғлиғи ёмонлашган ҳолатлар бундан мустасно.

76. Номзодга тест синовларини қайта топширишга рухсат берилмайди.

77. Тест синовларини ўтказиш вақтида тест синовлари ўтказилаётган хонада номзодлар, қабул комиссияси аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

78. Тест синовларини белгиланган муддатдан олдин бажарган ёки тест синовларини бажариш учун ажратилган вақт тугагач, шу вақтнинг ўзида номзодга унинг тест синовлари натижалари компьютер экранида эълон қилинади.

79. Номзоднинг тест саволларига берган тўғри жавоблари автоматик

равишда компьютер дастури орқали ҳар бир тўғри жавоб учун «1» балл билан баҳоланади.

Тест синовларида узрсиз сабаларга кўра қатнашмаган номзодлар «0» балл билан баҳоланади.

80. Тест синовларининг натижалари бўйича шу куннинг ўзида қабул комиссияси аъзолари томонидан мазкур Методикаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

81. Қайднома тест синовларида иштирок этган қабул комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

3-§. Назарий имтиҳон синовларини ўтказиш

82. Назарий имтиҳон синовларини ўтказиш учун қабул комиссиясига келишув асосида тегишли чет тиллари бўйича малакали мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

83. Назарий имтиҳон синовлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган режа-жадвал асосида ўтказилади.

84. Қабул комиссияси назарий имтиҳон бошланишидан камида 15 кун олдин номзодлар эътиборига тасдиқланган назарий имтиҳон ўтказиладиган фанлар дастурини, уларни баҳолаш мезонларини ва имтиҳонлар режа-жадвалини маълум қилади.

85. Назарий имтиҳонда номзодга тегишли чет тили бўйича қуйидаги топшириқлар берилади:

1 бетдан иборат матнни ўқиб бериш;

1 бетдан иборат матнни таржима қилиб бериш;

ўқиган матннинг мазмунини гапириб бериш;

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан қабул комиссияси аъзолари томонидан бериладиган 2 та саволга жавоб бериш.

86. Номзодларнинг топшириқларни бажарганлиги қабул комиссияси аъзолари томонидан қуйидаги мезонлар асосида «30» баллик тизимда баҳоланади:

матнни ўқишда хатоликка йўл қўймади, матнни тўлиқ таржима қилди, матннинг мазмунини тўлиқ гапириб берди, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган саволларга тўлиқ жавоб берди, деб топилганда — «30» балл;

матнни ўқишда 2 тагача хатоликка йўл қўйди, матннинг 90 фоизини таржима қилди, матннинг мазмунини гапириб берди, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган саволларнинг 1 тасига жавоб берди, деб топилганда — «25» балл;

матнни ўқишда 3 тадан 5 тагача хатоликка йўл қўйди, матннинг 80 фоизини таржима қилди, матннинг мазмунини қисман гапириб берди, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган саволларга жавоб бермади, деб топилганда — «20» балл;

матнни ўқишда 6 тадан 8 тагача хатоликка йўл қўйди, матннинг 70 фоизини таржима қилди, матннинг мазмунини гапириб бера олмади, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган саволларга жавоб бермади, деб топилганда — «15» балл;

матнни ўқишда 9 тадан 10 тагача хатоликка йўл қўйди, матннинг 60 фоизини таржима қилди, матннинг мазмунини гапириб бера олмади, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган саволларга жавоб бермади, деб топилганда — «10» балл;

матнни ўқишда 1 тадан 12 тагача хатоликка йўл қўйди, матннинг 50 фоизини таржима қилди, матннинг мазмунини гапириб бера олмади, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган саволларга жавоб бермади, деб топилганда — «5» балл;

матнни ўқишда 12 ва ундан ортиқ хатоликка йўл қўйди, матннинг 50 фоизини таржима қила олмади, матннинг мазмунини гапириб бера олмади, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган саволларга жавоб бермади, деб топилганда — «0» балл.

87. Номзод берилган топшириқларни бажаргандан сўнг, қабул комиссиясининг ҳар бир аъзоси номзодга ўзининг баҳосини қўяди. Қабул комиссияси аъзолари томонидан қўйилган баҳолар муҳокама қилиниб, номзодга ўртача арифметик балл қўйилади.

Назарий имтиҳонда узрсиз сабаларга кўра қатнашмаган номзодлар «0» балл билан баҳоланади.

88. Назарий имтиҳон натижалари имтиҳон якунлангандан сўнг номзодларга эълон қилинади.

89. Назарий имтиҳон натижалари бўйича шу куннинг ўзида қабул комиссияси аъзолари томонидан мазкур Методикаларнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

90. Қайднома назарий имтиҳонда иштирок этган қабул комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

5-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш методикаси

91. Якка тартибдаги якуний суҳбатнинг асосий мақсади ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон ва жаҳон тарихи, адабиёт, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанлари бўйича номзодларнинг билимларини ҳар томонлама ва ҳолисона баҳолашдан иборат.

92. Якка тартибдаги якуний суҳбат оғзаки шаклда номзод томонидан танлаб олинган билетлардаги саволларга жавоб бериш орқали амалга оширилади.

93. Билетда 4 та фан (ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон ва жаҳон тарихи, адабиёт, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанлари) бўйича 1 тадан савол акс эттирилади.

Саволлар умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

94. Якка тартибдаги якуний суҳбат саволлари қабул комиссияси раиси томонидан 1 июнь кунига қадар тасдиқланади.

95. Якка тартибдаги якуний суҳбат саволлари қабул комиссияси котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.

96. Якка тартибдаги якуний суҳбат Қабул комиссияси томонидан коллегиялик принципи асосида ҳар бир фан бўйича камида бир нафардан ма-лакали мутахассис жалб этилган ҳолда ўтказилади.

97. Номзодлар якка тартибдаги якуний суҳбатдан ўтиш учун қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича кетма-кетлик-да аудиторияга киритилади. Аудиториядаги номзодлар сони 5 нафардан ор-тиқ бўлишига йўл қўйилмайди.

98. Номзодлар якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиладиган аудиторияга ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

99. Номзод билетлардан бирини танлайди ва билетнинг рақамини Яку-ний суҳбат комиссияси аъзоларига ўқиб эшиттиради ҳамда тайёрланиш учун ажратилган жойга бориб ўтиради.

100. Номзодга тайёрланиши учун 20 дақиқа вақт берилади. Номзод саволларга тайёрланиш учун ажратилган вақт тугашидан олдин жавоб бе-ришга тайёрлигини билдирса, унга жавоб беришга рухсат берилади.

101. Номзоднинг саволларга берган жавоби қабул комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан қуйидаги жадвалда кўрсатилган мезонлар асосида фоиз ҳисобиди баҳоланади:

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Мезонларни баҳолаш даражаси (фоизда)								
		максимал	жула юқори	юқори	ўртадан юқори	ўрта	ўртадан паст	паст	жула паст	қониқарсиз
1.	Савол мазмун ва моҳиятини очиб бериши	25	23	21	19	17	15	10	5	0
2.	Жавобни мантиқан ва кетма-кетликда изчил ифода-лаши	25	23	21	19	17	15	10	5	0
3.	Мустақил ва ижодий фикрлаши	25	23	21	19	17	15	10	5	0
4.	Жавобни ёритишда ишончли далиллар ёки норматив-хуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилиши	25	23	21	19	17	15	10	5	0

102. Номзоднинг 4 та фан бўйича саволларга берган жавоби «180» бал-лик тизимда баҳоланади.

103. Номзоднинг ҳар бир фан бўйича саволга берган жавоби қуйидаги-ча аниқланади:

хуқуқшунослик фани бўйича — 80 баллик тизимда;

Ўзбекистон ва жаҳон тарихи фанлари бўйича — 40 баллик тизимда;

адабиёт фани бўйича — 40 баллик тизимда;

маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва таъмоиллар фанлари бўйича — 20 баллик тизимда.

104. Номзоднинг ҳар бир савол бўйича берган жавоби қуйидаги формулага мувофиқ ҳисобланади:

$$X = \frac{A * V}{100}$$

X — савол бўйича тўпланган балл;

A — савол бўйича максимал балл;

V — савол бўйича тўпланган фоиз.

105. Қабул комиссияси аъзолари томонидан қўйилган баҳолар муҳокама қилиниб, ҳар бир номзодга якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича ўртача арифметик балл қўйилади.

Якка тартибдаги якуний суҳбатда узрсиз сабабларга кўра қатнашмаган номзодлар «0» балл билан баҳоланади.

106. Ҳар бир номзоднинг якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари мазкур Методикаларнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги қайдномага қабул комиссияси аъзолари томонидан киритилади.

107. Қайднома қабул комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг кундузги таълим шаклига
номзодлар танловини ўтказиш бўйича
методикаларга
1-ИЛОВА

Номзодларнинг психофизиологик ўрганиш натижалари бўйича ҚАЙДНОМА

20__ йил «__» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Номзоднинг тўплаган якуний бали
1.		
2.		
3.		
...		

Қабул комиссияси аъзолари:

_____ (Ф.И.О.) _____ (ИМЗО)

_____ (Ф.И.О.) _____ (ИМЗО)

_____ (Ф.И.О.) _____ (ИМЗО)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
 Академиясининг кундузги таълим шаклига
 номзодлар танловини ўтказиш бўйича
 методикаларга
 2-ИЛОВА

**Номзодларнинг ёзма иш натижалари бўйича
 ҚАЙДНОМА**

20__ йил «__» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Номзоднинг тўплаган бали
1.		
2.		
3.		
...		

Қабул комиссияси аъзолари:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг кундузги таълим шаклига
номзодлар танловини ўтказиш бўйича
методикаларга
3-ИЛОВА

Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражаси натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА

20__ йил «__» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Машқларнинг номи ва баллари						Умумий балл
		йигитлар учун						
		тўсида (турникда) тортилиш	100 метрга югуриш		3000 метрга югуриш			
			натижа	балл	натижа	балл		
		қизлар учун						
куч ишлатиш машқлари комплекс		100 метрга югуриш		1000 метрга югуриш				
натижа	балл	натижа	балл	натижа	балл			
1.								
2.								
3.								
...								

Қабул комиссияси аъзолари:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
 Академиясининг кундузги таълим шаклига
 номзодлар танловини ўтказиш бўйича
 методикаларга
 4-ИЛОВА

**Тест синовлари натижалари бўйича
 ҚАЙДНОМА**

20__ йил «__» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Тўғри жавоблар сони	Нотўғри жавоблар сони	Номзоднинг тўплаган умумий бали
1.				
2.				
3.				
...				

Қабул комиссияси аъзолари:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академиясининг кундузги таълим
шаклига номзодлар танловини ўтказиш
бўйича методикаларга
5-ИЛОВА

**Назарий имтиҳон натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА**

20__ йил «__» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Номзоднинг бали
1.		
2.		
3.		
...		

Қабул комиссияси аъзолари:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг кундузги таълим шаклига
номзодлар танловини ўтказиш бўйича
методикаларга
6-ИЛОВА

**Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш бўйича
ҚАЙДНОМА**

20__ йил «___» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Номзоднинг саволларга берган жавоблари бўйича қўйилган баллар				Номзоднинг тўплаган умумий бали
		1-саволга	2-саволга	3-саволга	4-саволга	
1.						
2.						
3.						
...						

Қабул комиссияси аъзолари:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**261 Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғи (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 356-модда) билан тасдиқланган Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
49-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги
49-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 62-банддан «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция лойиҳалари ва дастурларини экспертизадан ўтказиш республика маркази харажатлари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 73 ва 74-бандлардаги «Миллий хавфсизлик» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 79-банддаги «Тошкент шаҳридаги Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини» деган сўзлар «Ишсиз ва

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 мартда эълон қилинган.

банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш минтақавий марказларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 87-банддаги «Давлат патент идораси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 108-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 112-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 120-банд «Халқ таълими вазирлиги марказий апаратини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари,» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 1-иловада:

1) 3 001 0 0 қатор номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси»;

2) 3 008 0 0 қатор номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси»;

3) 3 015 1 0 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 016 0 0 Ўзбекистон ёшлар иттифоқини қўллаб-қувватлаш жамғармаси»;

3 016 1 0 Республика маблағлари;

3 017 0 0 Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси жамғармаси;

3 017 1 0 Республика маблағлари».

9. 2-иловада:

1) 3 112 505, 3 112 605, 3 112 705, 3 112 805 ва 3 112 900 — 3 112 903 қаторлар чиқариб ташлансин;

2) 3 112 899 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«3 112 904 Ягона солиқ тўловидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига ажратмалар»;

3) 3 131 209 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«3 131 210 Ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан бир гектардан ошган ер майдони учун ер солиғи»;

4) 3 141 201 — 3 141 204 қаторлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3 141 201 Бензин ва дизель ёқилғиси ишлатганлик учун олинадиган солиқ (тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган нефть маҳсулотларидан ташқари);

3 141 202 Суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;

3 141 203 Сиқилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;

3 141 204 Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган нефть маҳсулотлари бўйича бензин, дизель ёқилғиси ишлатганлик учун олинадиган солиқ»;

5) 3 142 901 қатордаги «Дженерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ» деган сўзлар «Дженерал Моторс Ўзбекистон» АЖ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 3 331 238 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 331 240 Мақсадли ижтимоий трансфертлар;

3 331 241 Таълим соҳаси учун республика бюджетидан олинган мақсадли ижтимоий трансфертлар;

3 331 242 Тиббиёт соҳаси учун республика бюджетидан олинган мақсадли ижтимоий трансфертлар;

3 331 243 Таълим соҳаси учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан олинган мақсадли ижтимоий трансфертлар;

3 331 244 Тиббиёт соҳаси учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан олинган мақсадли ижтимоий трансфертлар;

3 331 245 Таълим соҳаси учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан олинган мақсадли ижтимоий трансфертлар;

3 331 246 Тиббиёт соҳаси учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан олинган мақсадли ижтимоий трансфертлар»;

7) 3 331 500, 3 331 502, 3 331 503, 3 331 505, 3 331 506 ва 3 331 900 қаторлардаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 3 422 114 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 422 117 Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш учун давлат божи;

3 422 118 Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш учун давлат божи;

3 422 119 Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш учун давлат божи (электрон мурожаатлар учун);

3 422 120 Тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензия бериш учун давлат божи;

3 422 121 Тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензия бериш учун давлат божи (электрон мурожаатлар учун);

3 422 122 Ўз тармоғини яратиш ҳуқуқсиз маълумотларни узатиш тармоқлари орқали провайдер хизматлари кўрсатишга лицензия бериш учун давлат божи;

3 422 123 Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия бериш учун давлат божи;

3 422 124 Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш учун давлат божи (электрон муурожаатлар учун);

3 422 125 Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш учун давлат божи»;

9) 3 422 225 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 422 233 Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) учун ундириладиган йиғим;

3 422 234 Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида биринчи ва олий малака тоифали, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимидаги ҳамда мазкур малака тоифалари ва лавозимларга талабгор педагог кадрларга малака тоифасини бериш учун йиғим;

3 422 235 Нодавлат таълим муассасаларини аттестациядан ўтказганлик учун йиғим;

3 422 236 Мажбурий ижро бюроси (маъмурий ишлар бўйича судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатига асосан давлат божлари қарзлари бўйича ундирилган маблағлар);

3 422 237 Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш учун йиғим;

3 422 238 Франшизинг шартномаларини рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим;

3 422 239 Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкогольли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси учун йиғим;

3 422 240 Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш учун йиғим;

3 422 241 Кўчма савдони амалга оширишга рухсат бериш учун йиғим;

3 422 242 Турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш учун йиғим;

3 422 243 Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсат бериш учун йиғим;

3 422 244 Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш (аризани кўриб чиқиш ва қайта расмийлаштириш) учун йиғим;

3 422 245 Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш (аризани кўриб чиқиш ва қайта расмийлаштириш) учун йиғим;

3 422 246 Тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензия бериш (аризани кўриб чиқиш ва қайта расмийлаштириш) учун йиғим;

3 422 247 Ўз тармоғини яратиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари орқали провайдер хизматлари кўрсатишга лицензия бериш (аризани кўриб чиқиш, қайта расмийлаштириш ва дубликат) учун йиғим;

3 422 248 Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларини ўрганиш

бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига лицензия бериш (аризани кўриб чиқиш ва қайта расмийлаштириш) учун йиғим;

3 422 249 Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилмаган ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома;

3 422 250 Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлашга рухсатнома;

3 422 251 Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоология коллекциялари, ўлжалар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома;

3 422 252 Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонлар сақланадиган ва урчитиладиган питомникларни, шунингдек зоология коллекцияларини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги гувоҳнома;

3 422 253 Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия бериш (аризани кўриб чиқиш, дубликат бериш ва қайта расмийлаштириш учун) учун йиғим;

3 422 254 Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш учун (аризани кўриб чиқиш ва лицензияни қайта расмийлаштириш) йиғим (электрон мурожаатлар учун);

3 422 255 Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш учун (аризани кўриб чиқиш ва лицензияни қайта расмийлаштириш) йиғим;

3 422 256 Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо сертификатини бериш учун йиғим;

3 422 257 Давлат хизматлари марказлари бинолари ва туташ ҳудудларидаги реклама фаолияти учун тўлов;

3 422 258 Давлат хизматлари марказлари орқали юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампларини тайёрлаш фаолияти учун тўлов;

3 422 259 Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан (қайта рўйхатдан) ҳамда техник кўриқдан ўтказишдан тушган маблағлар;

3 422 260 Вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситалари рекламасини жойлаштиришга рухсатнома;

3 422 261 Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучларни жалб қилишга рухсатнома»;

10) 3 430 137 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 430 142 Фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги учун жарима;

3 430 143 Ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан бир гектардан ошган ер майдони учун ер солиги;

3 430 144 Мансабдор шахслар давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлиги учун қўлланиладиган маъмурий жарима;

3 430 145 Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик, кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини, шунингдек, бундай кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини бузганлик, кема бошқарувчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқаргани учун белгиланган тартибда солинадиган жарималар суммаси»;

11) 3 450 974 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«3 450 975 Уруш қатнашчиларига санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўлланма учун компенсация тушумлари»;

12) 3 520 112 қатор номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика бюджетидан айланма касса маблағларини тўлдириш учун олинган маблағлар»;

13) 3 520 118 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 520 119 Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетидан айланма касса маблағларини тўлдириш учун олинган маблағлар»;

3 520 120 Республика бюджетининг эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан олинган маблағлар;

3 520 121 Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан олинган маблағлар».

10. 3-иловада:

1) 10 401 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин: «10 405 Шаҳрисабз шаҳри»;

2) 33 401 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин: «33 406 Хива шаҳри»;

3) 35 225 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин: «35 228 Тахиатош тумани»;

4) 35 411 қатор чиқариб ташлансин.

11. 4-иловада:

1) 7 014 200 қатор номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги харажатлари»;

2) 7 014 200 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 014 201 Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини сақлаш харажатлари»;

3) 7 018 344 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

- «7 018 400 Мақсадли ижтимоий трансфертлар;
7 018 410 Таълим соҳасига бериладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар;
7 018 411 Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига бериладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар;
7 018 412 Вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетига бериладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар;
7 018 413 Туман ва шаҳарлар бюджетига бериладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар;
7 018 420 Тиббиёт соҳасига бериладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар;
7 018 421 Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига бериладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар;
7 018 422 Вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетига бериладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар;
7 018 423 Туман ва шаҳарлар бюджетига бериладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар»;
- 4) 7 019 400 қатор чиқариб ташлансин;
- 5) 7 019 800 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:
- «7 019 900 Бошқа харажатлар;
7 019 901 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигини сақлаш харажатлари;
7 019 902 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари;
7 019 903 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтини сақлаш харажатлари;
7 019 990 Бошқа харажатлар»;
- 6) 7 029 904 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:
- «7 029 905 Ҳарбий-маъмурий секторга юклатилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва вазифаларни ҳал этиш харажатлари;
7 029 906 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитасини сақлаш харажатлари»;
- 7) 7 034 100 ва 7 035 100 қаторлардаги «Миллий хавфсизлик» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 8) 7 041 232 қатордаги «Тошкент шаҳридаги Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини» деган сўзлар «Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш минтақавий марказларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 9) 7 041 901 қатордаги «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси» деган сўзлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 10) 7 045 196 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 045 197 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекциясини сақлаш харажатлари;

7 045 198 «Ўзйўлкўкаламзорлаштириш» унитар корхонасини сақлаш харажатлари»;

11) 7 047 302 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 047 303 Туризмни ривожлантириш департаментини сақлаш харажатлари»;

12) 7 049 600 қатор номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги»;

13) 7 076 901 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 076 902 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигини сақлаш харажатлари»;

14) 7 083 500 ва 7 083 505 қаторлардаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 7 084 400 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 084 900 Бошқа харажатлар»;

7 084 901 Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа марказни сақлаш харажатлари»;

16) 7 089 600 қатордаги «давлат қўмитасини» деган сўзлар «вазирлигини» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) 7 089 601 қатордаги «давлат қўмитасининг» деган сўзлар «вазирлигининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

18) 7 096 515 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 096 516 Олий таълим муассасалари»;

19) 7 096 526 қатор номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий таълим муассасалари»;

20) 7 096 526 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 096 528 Ижтимоий-тадқиқот муассасалари»;

7 096 529 «Истеъдод» жамғармаси»;

21) 7 102 412 қатордаги «Миллий хавфсизлик» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 7 106 220 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 106 230 Уруш қатнашчиларига санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўлланма учун компенсация харажатлари».

12. 5-иловада:

1) 42 34 930 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«42 34 950 Иситиш қозонлари»;

2) 42 52 600 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«42 52 700 Қиш-баҳор мавсумига ғамланадиган озик-овқат маҳсулотлари»;

3) 43 33 100 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«43 33 200 Иситиш қозонлари»;

4) 43 54 940 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«43 54 950 Иситиш қозонлари»;

5) 46 41 330 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«46 41 400 Мақсадли ижтимоий трансфертлар;

46 41 410 Қорақалпоғистон Республикасига;

46 41 420 Вилоятлар ва Тошкент шаҳрига;

46 41 430 Туман ва шаҳарларга».

13. 5а-иловада:

1) 42 34 930 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«42 34 950 Иситиш қозонлари»;

2) 42 52 600 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«42 52 700 Қиш-баҳор мавсумига ғамланадиган озик-овқат маҳсулотлари»;

3) 43 33 100 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«43 33 200 Иситиш қозонлари»;

4) 43 54 940 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«43 54 950 Иситиш қозонлари»;

5) 46 41 330 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«46 41 400 Мақсадли ижтимоий трансфертлар;

46 41 410 Қорақалпоғистон Республикасига;

46 41 420 Вилоятлар ва Тошкент шаҳрига;

46 41 430 Туман ва шаҳарларга».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

262 Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/3-сон қарори (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 март,
9/1-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
17 мартдаги 9/1-сон қарорига
ИЛОВА

**Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали
электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

«1» кичик банддаги «Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бўлими» деган сўзлар «Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва молиявий-иқтисодий фаолият бошқармаси маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«2» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) Марказий банкнинг Тўлов маркази — Марказий банкнинг банклараро ва филиаллараро тўловларини ягона баланс тартибида ўтишини таъминловчи ахборот тизими;».

2. 13-банддаги «Тўлов тизими ва ахборот технологиялари департаментига» деган сўзлар «Тўлов тизимлари ва ахборот технологиялари департаментига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 15-бандда:

«1» кичик банддаги «Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти» деган сўзлар «Кредит ташкилотлари пруденциал назорати департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«5» кичик банддаги «Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаментининг» деган сўзлар «Кредит ташкилотлари пруденциал назорати департаментининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 33-банд «2» кичик бандининг биринчи хатбошисидаги «Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида» деган сўзлар «Марказий банкнинг Тўлов марказида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 34-банд «2» кичик бандининг биринчи хатбошисидаги «Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида» деган сўзлар «Марказий банкнинг Тўлов марказида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 1-иловадаги «МБ маълумотларни қайта ишлаш бўлими» деган сўзлар «МБ Тўлов маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

263 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2988

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 февраль,
7/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
24 февралдаги 7/10-сон қарорига
ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/6-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан маляка талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1641, 2006 йил 14 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 467-модда).

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 мартда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/5-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1641-1, 2008 йил 19 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 185-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги 4/6-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1641-2, 2013 йил 6 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 10-сон, 138-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 10 декабрдаги 37/10-сон «Кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2315, 2012 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 31-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 27 декабрдаги 46/3-сон «Кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2315-1, 2015 йил 8 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 1-сон, 14-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

264 Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюrolарининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2989*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюrolарининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талаблари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 февраль,
7/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
24 февралдаги 7/11-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари,
бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит
ташкилотлари ҳамда кредит бюrolарининг ижро
органлари раҳбарларига нисбатан
МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тижо-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 мартда эълон қилинган.

рат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга қўйиладиган малака талабларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур малака талаблари тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарлари лавозимларига юқори малака ва салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни танлаш мақсадида жорий этилади.

2. Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарлари лавозимига тавсия этилаётган номзодлар мазкур малака талабларига жавоб бериши лозим.

3. Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар қуйидагиларни билиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва банк фаолиятига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, шу жумладан:

фуқаролик, хўжалик ва меҳнат қонунчилиги;
кредитлашнинг асосий тамойиллари ва тартибини;
банк ҳисоботларини тузиш тартиби;
ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш тартиби;
молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари, банк ички кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;
кичик бизнесни кредитлаш тартиби;
омонатларни қабул қилиш ва уларни бериш тартиби;
банкни корпоратив бошқариш тартиби;
ички аудит вазифалари ва фаолияти;
пул муомаласини ташкил этиш ва касса операцияларини амалга ошириш тартиби;
чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш тартиби;
Базель қўмитасининг банк фаолиятига оид асосий тавсияномаларини;
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари;
банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш тартиби;
иқтисодий нормативларни ва талабларни, шу жумладан капитал монанд-

лигига, банк ликвидлигига, бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликлар бўйича иқтисодий нормативларни;

эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш тартибини;

компьютер ва банк фаолиятида зарурий банк дастурларидан фойдаланишни.

2-боб. Тижорат банклари раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодларга қўйиладиган малака талаблари

4. Тижорат банкларининг Бош банклари раҳбарлари лавозимларига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

тижорат банклари бошқаруви раиси лавозимига тавсия этилаётган номзод (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирувчи лавозимлардан ташқари) олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида ўн йиллик иш стажига, шу жумладан камида беш йил банк тизимида раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;

тижорат банклари бошқаруви раиси ўринбосари лавозимига тавсия этилаётган номзод (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирувчи лавозимлардан ташқари) олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида етти йиллик иш стажига, шу жумладан камида уч йил банк тизимида раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;

тижорат банклари бошқаруви аъзоси лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан камида икки йил банк тизимида раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши лозим, Бош банкнинг бош бухгалтери лавозимига тавсия этилаётган номзод бундан мустасно.

Ушбу банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган лавозимларга қўйилган иш стажига номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Марказий банкида фаолият кўрсатган даврдаги иш стажи қўшиб ҳисобланади.

5. Тижорат банклари бошқаруви аъзолигига банкнинг юридик хизмати раҳбари киритилган тақдирда, у олий юридик маълумотга ҳамда банк тизимида камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

6. Тижорат банкларининг бошқаруви аъзоси — бош бухгалтери лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида олти йиллик иш стажига, шу жумладан камида уч йил банк бухгалтерия йўналишида раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

7. Тижорат банкларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги (минтақавий) филиали (бундан буён матнда минтақавий филиал деб юритилади) раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзод

олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан камида икки йил банк тизимида раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Минтақавий филиал бош бухгалтери лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан камида икки йил банк бухгалтерия йўналиши бўйича иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

8. Тижорат банкларининг туман (шаҳар) филиали раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида тўрт йиллик иш стажига, шу жумладан камида икки йил банк тизимида раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Тижорат банкларининг туман (шаҳар) филиали бош бухгалтери лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида тўрт йиллик иш стажига, шу жумладан камида икки йил банк бухгалтерия йўналиши бўйича иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

9. Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодлар қўйидаги ҳолларда лавозимига мувофиқ эмас деб топилади ҳамда улар ушбу лавозимларга тайинланиши мумкин эмас:

амалга оширган ҳаракатлари юридик шахсларни банкротликка ёки уларнинг молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлган тақдирда, банкротликка учраган ёки молиявий аҳволи ёмонлашган банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва бошқа юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгаши аъзолари ҳамда йирик иштирокчилари (устав капиталида 10 фоиз ва ундан кўп миқдорда овоз берувчи акциялар ёхуд улушга эга бўлган шахслар) бўлган номзодлар;

суд қарори билан мазкур лавозимда ишлаш ҳуқуқи чекланган номзодлар;

ўзаро яқин қариндош бўлган шахслар бир банкда раҳбарлик ёки моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёхуд унинг назорати остида бирга ишловчи номзодлар.

10. Тижорат банкларининг раҳбарларини лавозимига тайинлашда ёки улар лавозимидан озод этилганда тижорат банкларининг Бош банки таркибидаги, уларнинг минтақавий филиаллари, туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари таркибидаги барча ўзгаришлар тегишли буйруқ чиққанидан кейин 3 иш кунида тижорат банкининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши керак.

3-боб. Микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюрolari ижро органлари раҳбарлари лавозимига тавсия этилаётган номзодларга қўйиладиган малака талаблари

11. Микрокредит ташкилотлари ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, беш йилдан кам бўлма-

ган умумий иш стажига, шу жумладан кредит ташкилотларида ёки банк-молия йўналишида камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

12. Кредит бюрларининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, беш йилдан кам бўлмаган умумий иш стажига, шу жумладан кредит амалиёти билан боғлиқ уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

13. Микрокредит ташкилотлари ва кредит бюрларининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодлар қўйидаги ҳолларда лавозимига мувофиқ эмас деб топилади ҳамда ушбу лавозимга тайинланиши мумкин эмас:

амалга оширган ҳаракатлари юридик шахсларнинг банкротликка ёки молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлган тақдирда, банкротликка учраган ёки молиявий аҳволи ёмонлашган банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгаши аъзолари ҳамда йирик иштирокчилари (устав капиталида 10 фоиз ва ундан кўп миқдорда овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар) бўлган номзодлар;

суд қарори билан ушбу лавозимда ишлаш ҳуқуқи чекланган номзодлар.

4-боб. Яқуний қоида

14. Мазкур малака талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 26 мартдан 30 мартгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 1 мартдаги 52, 2018-19, 341-В-1-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 6 мартдаги 01-02/12-28-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатувлари устидан божхона назорати қоидаларининг 4.12-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-3.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 60-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-3.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 322-В-1, 63-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2320-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 мартдаги 42, 10-қ/қ, 16-сон «Фуқа-

ро ва экспериментал авиацияда учувчилар таркиби учун ёшга оид чегараларни киритиш тўғрисида»ги қарорнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1762-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/7-сон «Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/10-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 23 мартдаги 113-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларининг (ЎЗР АҚ-61) 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-10.

9. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 27 февралдаги 4-2018-сон «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2431-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 13 мартдаги 166-мх, 22-сон «Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1826-1.

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 48-сон «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шаклларини тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2624-1.

12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 35-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2987.

13. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 49-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-8.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/1-сон «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-2.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/10-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2988.

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/11-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2989.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2320, 2012 йил 1 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 180-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1641, 2006 йил 14 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1641-1, 2008 йил 19 май), (рўйхат рақами 1641-2, 2013 йил 6 март).

Адлия вазирининг 2018 йил 30 мартдаги 191-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимиغا тавсия этилаётган номзодларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2315, 2012 йил 19 январь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2315-1, 2015 йил 8 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 30 мартдаги 191-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.